

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил, № 7

БАНК ВА ТАДБИРКОРЛИК: ХАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Минтақавий банк ўқув маркази Европа иттифоқи комиссияси билан биргаликда биринчи марта савдо-саноат доираларининг намоёиш-лойиҳавий семинар ўтказди. Унда иқтисодий тараққиёт ўтиш босқичида банклар билан кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарининг ўзаро муносабатлари таҳлил этилди. Банкларнинг мижозларини иқтисодий ислохотлар даврида банклар бажариши мумкин бўлган вазифалар билан таништириш семинарининг мақсадларидан бири эди. Барча қатнашчилар - Марказий ва тижорат банкларининг намоёндалари, баъзи қўшма ва кичик корхоналарнинг етакчи мутахассислари банклар билан мижозлар ўртасидаги муносабатларнинг "нозик нуқталари" ва уларни такомиллаштириш йўллари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кейинги вақтларда бу соҳада бир талай иш қилинди. Марказий банк хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид мақсадли дастурни қабул этди. Республика Марказий банки билан Тадбиркорлар Иттифоқининг биргаликдаги куч-ғайратлари туфайли тўловларнинг ўтиш муддатлари қисқарди. Бироқ тадбиркорлар банклар томонидан кредитлар олишда ва маслаҳат хизматидан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келадиганликларини семинарда қатнашган кичик бизнес вакиллари айтиб ўтишди. Банклар ҳали ҳам мижозлар маблағни қаёққа ўтказётганини билиш учун топшириқномаларини кузатиб туришибди. Бу эса кичик ва ўрта тадбиркорлик тузилмаларининг иш тажрибасида ўзаро ҳисоб-китоб тамойилидан фойдаланиш имконини бермаёпти. Республикада шўба банклар ташкил

этишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатлари йўқлиги хусусида таассуф билдирилди. Оқибатида тижорат банкларининг вилоятлардаги бўлимлари лойиҳаларни молиялашни келишиб олишга кўп вақт сарфламоқда.

Банкдан ташқари тузилмалар ва молия муассасалари - кредит ширкатлари, инвестиция жамғармалари, давлатга қарашли бўлмаган пенсия жамғармаси ва шу кабилар кредит ресурсларини жалб этишда иштирок этса айни муддао бўлур эди.

Куйида семинар қатнашчиларининг баъзи фикрларини эълон қилаёмиз, улар банкирларга ҳам, кичик бизнес вакилларига ҳам қизиқарли бўлади, деб ўйлаймиз.

Давоми 2-бетда.

СЎМНИНГ ЭРКИН АЙРИБОШЛАНИШИ УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони сўмнинг қадрини ошириш, республикага хорижий сармоялар жалб қилиш ва истеъмол бозорини тўлдирish йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Фармонда юридик ва жисмоний шахсларнинг сўмни эркин валютага алмаштиришга бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича қўшимча чоралар кўзда тутилган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сўмни айрибошлашда экспорт қилинадиган халқ истеъмол моллари ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан машғул бўлган, республика иқтисодиётининг асосий ва илғор соҳаларида имтиёзли лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган корхоналар имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар.

Шунингдек, Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш фаолиятидан белгиланган тартибда олинган фойда ва дивидендларнинг бир қисmini ватанига қайтариш билан шугулланаётган хорижий сармоялар иштирокидаги қўшма корхоналар маблағини биринчи навбатда айрибошлаш ҳам назарда тутилган.

Халқаро тажрибага таянган ҳолда валюта биржаси савдоларида иштирок этиш ҳуқуқини олиш учун руҳия қилиниши зарур бўлган шартлар ҳам аниқланган. Хусусан, корхона бюджет, маҳсулот (хом ашё) етказиб берувчилар ва банклар олдидagi мажбуриятлар билан боғ-

лиқ бўлмаган сўмлардаги маблағига, хорижий ҳамкорлар билан тузилган шартномаларга, шунингдек банк вакилининг эксперт хулосасига эга бўлиши керак. Валюта биржасида сотиб олинган хориж валютасидан муайян мақсадда ва муддатда фойдаланиш ҳам зарур шартлардан бири ҳисобланади.

Фармонда 1995 йилнинг 1 июнидан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотларни хориж валютасида кредитлашни тўхтатиш кўзда тутилган. Эркин айрибошланган валютани кредит берилиши лозим бўлган корхоналарга мазкур кредитлар ваколати бўлган банклар томонидан миллий валютада берилиб, сўнг Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида айирбошланади. Бу ҳолда хорижий банклар, экспорт-импорт агентликлари ва халқаро молия ташкилотлари томонидан ажратилган эркин айирбошланган валютани маблағлари ёрдамида кредитлаш ва молиявий таъминлашнинг амалдаги тартиби сақланиб қолади.

Фармонга мувофиқ аҳолининг эркин айирбошланган валютани бўлган эҳтиёжини валюта айирбошлаш пунктлари орқали қондириш учун Марказий банк ва ваколатли банклар томонидан қўшимча равишда камиди 120 млн. АҚШ доллари ажратилади.

Валюта бозорининг тобора тараққий этиши, валюта алмаштириш операцияларининг аста-секин эркинлаштирилиши сўмнинг ички эркин айирбошланиши учун муайян шарт-шароит яратди.

ВАҚТ ВА ПУЛ ТЕЖАШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

"Трансбанк" ҳиссдорлик биржасида BBS станцияси ишга тушди. Бу станция одатдаги электрон почта мижозларга электрон эълонлар тахтасига "улаиш" имконини беради. Бундай усул жуда қисқа муддат ичида рўйхатдан ўтган абонентларга ҳар қандай ахборотни республиканинг исталган бурчагига юбориш ёки маълумот олишда қўл келади. Мижозларда компьютер билан Модема аппарати бўлса бас.

Дарвоқе, мазкур станция Ўзбекистон банкларига биринчи бор қўлланилмоқда. Станциянинг яна бир хусусияти шундаки, у мижозлар билан иш юритиб, тўлов жараёни, тижорат билан

боғлиқ таклифлар, рекламалар ва банкка оид бошқа ахборот узатиш тезлигини ошириш учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, BBS абонентлари ўзлари учун зарур ҳужжатларни (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг навбатдаги қарорлари, Марказий Банк кўрсатмалари, шартномалар нусхалари ва ҳоказоларни) олишлари мумкин.

Станция ёрдамида иш юритишнинг яна бир афзаллиги шундаки, "Трансбанк" мижозлари банкдаги ҳисобварағидаги ўз маблағларининг ҳаракати ҳақида маълумот олиш учун Нукусе, Самарқанд ёки бошқа шаҳарлардан келиб юришлари шарт эмас.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ БАНКИ: ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлигида Марказий Осиёдаги уч давлат - Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон ўзаро манфаатларини ҳисобга олиб ишлайдиган Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки (МОҲТБ) ташкил этилди.

Банк тузишдан қўзланган мақсад иқтисодий алоқаларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан, қўшма инвестиция лойиҳаларини молиялаш ва кредитлашдан иборат.

МОҲТБ уставига биноан унинг асосий вазифалари қуйидагича: давлатлараро битимларда кўзда тутилган савдо операциялари ва бошқа операциялар бўйича давлатлараро ҳисоб-китобларни ташкил этиш ва амалга ошириш; қўшма корхоналар ташкил этишда ва улар фаолиятини кенгайтиришда қўмаклашиш; узоқ муддатли дастурлар учун кредит бериш; муассис давлатларнинг иқтисодий дастурларини ўрганиш ва таҳлил этиш.

Бу вазифаларни адо этиш учун банк ўз маблағи ёки жалб этилган маблағлар ҳисобига қўшма лойиҳаларни кредитлаш ва молиялаш, юридик шахслардан депозитлар жалб этиш, хорижий сармояни жалб қилиш, мижозлар ва вакил банклар ҳисоб-китобларини юритиш каби операцияларни бажаришни кўзда тутмоқда.

МОҲТБнинг дастлабки устав сармо-яси - 9 млн. АҚШ доллари бўлиб, уч муассис давлатнинг ҳар бири унга тенг миқдорда - 3 млн. доллар топширади.

Ҳозиргача Ўзбекистон банкка салкам бир млн. доллар ва Қозғистон билан Қирғизистон 330 миң доллардан топширишди. Ташкил этилмай турибқ барбод бўлган Давлатлараро банкдан фарқли ўлароқ, Марказий Осиёдаги уч давлатнинг мазкур молиявий муассасаси ўзининг яшашга қобилигини кўрсатди. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Давлатлараро ҳисоб-китоб бошқармасининг бошлиғи Абдуносир Раҳмоновга бир неча савол берди.

- Абдуносир Содиқович, МОҲТБнинг оддий тижорат банкидан қандай фарқи бор?

- Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкнинг имкониятлари анча кенг. Унга камида икки давлатнинг манфаатларига тааллуқли лойиҳаларга сармоя ажратиш ҳуқуқи берилган. Ўзбекистон ва Қозғистон кимё концернлари биргаликда ишлаб чиқаётган лойиҳани мисолга олса бўлади. Қозғистон конларида фосфорит уни қазиб чиқарилса, Ўзбекистон кимё саноатининг айрим корхоналари фосфорли ўғитлар ишлаб чиқармоқда. Бу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши бутун минтақа халқ ҳужалигига аниқ фойда келтиради, чунки у уччала давлат деҳқончилик саноат мажмуини минерал

Давоми 5-бетда.

Ушбу сонда:

2-бет

Қимматли қоғозлар бозори

3-бет

Шартнома бозор муносабатларини тартибга солишнинг асосий механизми

4-бет

Хусусий мулкчиликни қўллаб-қувватлаш ҳаракати

5-бет

Чет эл банклари орқали тўлов ишлари олиб бориш

6-бет

Иқтисодий ислохотлар тажрибасидан

7-бет

Валюта муносабатлари ва валюта тизими

8-бет

Жаҳон банки ва Ўзбекистонда ислохот

Иловада:

Марказий Банкнинг меъёрий ҳужжатлари

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР

ЯНГИ КОЛЛЕЖ ТАШКИЛ ТОПДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 10 июндаги қарорига мувофиқ, Тошкентда банк ҳисоб-кредит коллежи ташкил топиб, талабалар қабул қилинмоқда.

Мазкур ўрта махсус ўқув юртида иқтисодиёт, банк иши ва операциялари олиб бориш сингари фанлар бўйича дарс ўтилади. Банк соҳасида ишловчи бўлажак ходимлар компьютерни ўрганишдан ташқари, чет тилларини ҳам ўрганадилар.

Марказий банкнинг ўрта махсус ўқув юртлири (Марғилон ҳисоб-кредит техникуми ва унинг Термиздаги филиали) ва янги ташкил топган мазкур ҳисоб-кредит коллежига шу йили 700 нафарга яқин йигит-қиз қабул қилинади.

АЛОҚАЛАР ТИКЛАНМОҚДА

Республикамиз Марказий банкнинг ўрта махсус ўқув юртлири Россия Марказий банки ўқув юртлири уюшмасининг жамоа аъзоси ҳисобланади. Июнь ойи ичида Марғилон ҳисоб-кредит техникумининг директори Маҳмаджон Абдуллаев билан шу техникумнинг Термиздаги филиали директори Урол Каюмов Москва, Твер, Орёл шаҳарларидаги банк ўқув марказларида бўлиб қайтди. Банк фаолиятига оид янги адабиётлар алмашиш, услубиёт семинарлари ўтказиш юзасидан шартнома имзоланди.

Россия ўқув марказлари билан алоқа тикланиши банклар учун ўрта бўғин мутахассислари тайёрлашда муҳим аҳамият кашф этади.

Сайфулла НАРЗУЛЛАЕВ,
Марказий Банк ходимлари
билан ишлаш бошқаруви
бошлиғи уринбосари.

"БАНК АХБОРОТНОМАСИ"

МУАССИСЛАР
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
БАНКИ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ
ВА ДИПЛОМАТИЯСИ
УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДБИРКОРЛИКНИ
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
ҚУЛЛАБ ҚУВВATЛАШ
"ЗАКОВАТ" ЖАМГАРМАСИ

ТАХРИР КЕНГАШИ:

Зохид Собиров (Тахрир Кенгаши-
нинг раиси),

Ўлмаси Тожибоев (Тахрир
Кенгаши раисининг ўринбосари),

Рахмон Каримов,

Баҳодир Хўжаев,

Михаил Пернер,

Борис Давидов.

БОШ МУҲАРРИР

Равшан ОХУНОВ.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700029, Тошкент шаҳри,

Мустақиллик майдони,

2-уй, 407-хона

ЭЪЛОН ВА РЕКЛАМА
ХАБАРЛАРИ УЧУН

39-49-22

ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ

муружаат қилинг.

"ТОШНОЛИГРАФКОМБИНАТ"

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30

Газета

Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитасида
132 - тартиб рақами билан
рўйхатга олинган

Газета 1995 йил
январдан чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир:

Жофид АБДУЛЛАХОНОВ

Буларта № _____

Ҳазир кўрсаткичи: 64678, 64679

Қўлланмалар тақриз қилинган ва
қайтарилмайдиган. Қўлраб босилганда

"Банк ахборотномаси" деген оловатни
кўрсатишни керак. Босилган

материаллар муаллифларнинг ҳуқуқини

назарга олишнинг ҳуқуқини

назарга олишнинг ҳуқуқини

Газета "ИТЕС" қўйма қорхонаси
толовидан тўғридан тўлаш

тўловидан тўғридан тўлаш ва
созишларидан

Офис уюлида, 2 баъзи таъриф

ҳаммида босилди

ЯХЛИТ ВЕКСЕЛ МАҚОНИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси 1995 йил 2 июнда "Ўзбе-
кистон Республикаси халқ ҳўжалигида
векселлардан фойдаланиш тўғрисида"
204-сонли қарор қабул қилди. Шу қар-
орга биноан тижорат банклари ва
Марказий банкнинг вилоят бошқарма-
ларига "Гознак" давлат ишлаб чиқар-
иш бирлашмасида векселлар босиб
чиқаришни зудлик билан уюштириш,
шунингдек вексел муомаласини юрита-
диган тегишли бўлинмалар ташкил
этиш ҳақида хат юборилди. "Дехқонса-
ноатбанк"ка қишлоқ ҳўжалик маҳсуло-
ти етиштириш, сотиш ёки қайта
ишлаш билан шуғулланадиган ва тўлов
қобилиятига эга бўлган юксак самарали
қорхоналарнинг векселларини рўйхатга
олишга рухсат берилди.

Вексел муомаласини уюштириш
юзасидан тижорат банклари билан мас-
лаҳат ўтказилди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети, Молия вазирлиги, Мин-
тақа банк ўкув маркази, Олмония Тех-
ника ҳамкорлиги жамияти ва Марка-
зий банк билан биргаликда банк век-
селларини чиқариш ва муомалага ки-
ритишни уюштириш мавзусида семи-
нар ўтказилди.

Шундан кейин Марказий банк қуй-
идаги тижорат банкларининг векселла-
рини чиқариш ва муомалага киритиш
шартларини рўйхатга олди:

"Турон" банки, 1995 йил 4 май 14-5-
0001-сон, эмиссия ҳажми - 50 млн. сўм;
"Галлабанк", 1995 йил 18 апрель, 14-
5-0002-сон, эмиссия ҳажми - 50 млн.
сўм;

"Ўзсаноатқурилишбанк", 1995 йил 24
май, 14-5-0004-сон, эмиссия ҳажми -
500 млн. сўм (шундан 50-фоизни вексел
кредити ташкил этади);

"Ўзметасабзавотбанк", 1995 йил 24
май, 14-5-0005-сон, эмиссия ҳажми -10
млн. сўм;

"Ўзсавдогарбанк", 1995 йил 24 май,
14-5-0006-сон, эмиссия ҳажми- 250
млн. сўм;

"Ўздеҳқонсаноатбанк", 1995 йил 25
май, 14-5-0007-сон, эмиссия ҳажми -
100 млн.сўм (шундан 60-фоизни вексел
кредити ташкил этади).

Марказий банк вилоятларнинг ҳоким-
ликлари, Марказий банкнинг вилоят
бошқармалари ва тижорат банклари би-
лан бирга республиканинг барча вило-
ятларида векселларни муомалага кири-
тиш бўйича семинарлар ўтказди.

1995 йил 1 июлга қадар 6 та банк 283
млн. сўмликдан кўпроқ вексел сотди,
232,7 млн. сўм миқдорда вексел кредит-
лари берди ва 1595,365 млн. сўмлик
миқдордаги дебиторлик қарзини узди.
Марказий банкнинг вилоят бошқармала-
ри маълумотларига кўра, шундан вило-
ятларда 244,803 млн. сўмлик вексел со-
тилди, 19,55 млн. сўмлик миқдорда век-

сел кредитлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий
банкада рўйхатдан ўтказилган қуйида-
ги тижорат банкларининг вексел чиқар-
илиши мўлжалланмоқда.

"Андижонбанк", 1995 йил 5 май,
02-5-0003-сон, эмиссия ҳажми - 20
млн.сўм (шундан 50-фоизни вексел
кредити ташкил этади),

"Тошижтимоий турар-жойбанк",
1995 йил 3 июнь, 14-5-0008-сон,
эмиссия ҳажми -100 млн. сўм (шундан
60-фоизни вексел кредити ташкил эта-
ди),

"Ўзсаноатқурилишбанк", 1995 йил 26
июнь, 14-5-0009-сон, эмиссия ҳажми -
50 млн.сўм (шундан 50-фоизни вексел
кредити ташкил этади),

Ташқи иқтисодий фаолият миллий
банки, 1995 йил 4 июль, 14-5-0010-
сон, эмиссия ҳажми - 100 млн.сўм
(шундан 40-фоизни вексел кредити
ташкил этади).

Шунингдек "Галлабанк"ка қўшимча
равишда 100 млн.сўмлик миқдорда
вексел чиқаришга рухсат этилди.

Марказий банк ҳузурида маслаҳат
маркази тузилди, у республика ҳудуди-
даги банklar ва ташкилотлар билан до-
имий алоқа боғлаб турибди.

Ислом САЛОМОВ,

Қимматли қорғозлар
бошқармаси бошлиғи

БАНК ВА ТАДБИРКОРЛИК: ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Боши1-бетда.

Европа Иттифоқи мувофиқлаштирув-
чи бюросининг директори РУСТАМ
ИБРОҲИМОВ:

- Маълумки, Ўзбекистонда ТАҚИС дастури уч
йилдан бери амалга оширилмоқда. Дастурга
биноан республикада 30 та миллий ва минта-
қавий лойиҳа рўйбга чиқарилмоқда. Бизда ама-
лий алоқалар маркази ишламоқда. Яқинда бо-
зор кўникмалари марказини очдик. Телекомму-
никациялар соҳасида минтақа маркази ишлаб
турибди, тез орада тадбиркорлар учун юридик
марказ ташкил қилмоқчимиз.

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон
иштирокидаги 1992 йил лойиҳаси минтақавий
тадбир бўлиб, уни ҳомийларимиз - Европа Итти-
фоқи, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки
ҳамда Туркия банklar уюшмаси пул билан таъ-
минламоқда. ТАСИС дастури бўйича 1994 йил
май ойида Тошкентда ўтказилган минтақавий
учрашувда мазкур лойиҳани давом эттириш
юзасидан сўров ўтказдик. Мазкур дастур доира-
сида минтақавий банк ўкув маркази учун қўшим-
ча равишда 1 млн. экю ажратилади. Бу маблағ
ўкув семинарлари ўтказишга мўлжалланган,
уларга Европа мамлакатларининг мутахассис,
эксперт ва маслаҳатчилари таклиф этилади.
Семинар Фарбий Европа давлатларининг
ибратли тажрибасини ўрганишда бизга ёрдам
беради.

1993-1995 йил миллий дастури доирасида
кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида мутахас-
сислар тайёрлаш асосий масала ҳисобланади.
Қорхоналар таркибини ўзгартириш ҳамда кичик
ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш фаоли-
ятнинг иккинчи, қишлоқ ҳўжалигига мадад бе-
риш эса учинчи вазифадир.

Шу дастур доирасида Самарқандда 15 июнь
куни ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш
агентлиги очилди. Тез орада Гулистонда ҳам
шундай агентлик очилиш арафасида. Европа
Иттифоқи экспертларининг юқори бўгин хизмати
доирасида мол-мулкни давлат тасарруфидан
чиқариш ва хусусийлаштиришда Давлат мулки
қўмитасига кўмак бераёلمиз.

Ёрдамнинг мақсад ва турларига қараб барча
лоийҳалар йиллик, бир ярим йиллик, икки ва уч
йиллик лойиҳаларга бўлинади. Кичик ва ўрта
бизнесни ривожлантириш агентлигининг иши 3
йилга, амалий алоқа ва бозор кўникмалари
марказининг иши 2 йилга мўлжалланган, юри-
дик марказ тадбиркорлар учун бир йил давоми-
да машғул ўтказди, унинг ўз кутубхонаси,
меъёрий ҳужжатлари бўлади, бу лойиҳани
инглиз юридик фирмаси амалга оширади.

Амалий алоқалар марказининг мас-
лаҳатчиси Андерс ХЕДИГЕР:

- Ҳар қандай давлат иқтисодиётининг 50 фо-
изи кичик ва ўрта қорхоналар ҳисобига барпо эти-
лади. Иш жойларининг ярмиси ҳам шу соҳада ву-
жудга келтирилади. Шу сабабли кичик ва ўрта
қорхоналарга ҳамма турда мадад бериш зарур.
Бунинг маъноси шуки, банк муассасалари ва тар-
тиб қоидалари ҳам шу соҳани ривожлантиришга
кўмаклашмоғи лозим. Кичик ва ўрта қорхоналар-
нинг ҳажми унчалик катта эмас. Шу сабабли улар
кўплаб миқдордаги кредитлардан фойдалана
олмайди. Фарб мамлакатларида ҳукуматлар кичик
ва ўрта қорхоналарни холисона ёрдам (грант)
орқали, амалий алоқа марказлари ва савдо пала-
таси орқали қўллаб-қувватлайди.

Амалий алоқа марказимиз шуғулланаётган
амалий операцияларни ёритишнинг бир неча усу-
лини айтиб ўтмоқчиман. Кичик ва ўрта қорхоналар
ўзларига ҳамкор топиш учун қимлар билан ҳамкор-
лик қилишни аниқ белгилаб олиши керак. Биз бу
борада бир неча йўналиш бўйлаб иш олиб бора-
ётимиз. Чунончи, чет элларда бизнесменлардан
талабномалар оламиз ва мавжуд маълумотлар ба-
засидан, шахсий алоқалардан фойдаланиб, улар-
га ҳамкорлар топиб берамиз. Ўзлуксиз давом эта-
диган бу жараён маълумотномалар юбориш би-
лангина чекланмайди. Биз тадбиркорлар билан
доимо шахсий алоқада бўламиз, таклифлар бера-
миз, ҳамкорларни кўндираамиз. Кичик ва ўрта қор-
хона вакиллари амалий тадбирлар тузиш маҳор-
атини ўргатамиз. Биз Европа билан Ўзбекистон
ўртасида ўзига хос кўприк қўрдик. Европадаги ва-
колатхонамиз республикангиз билан ҳамкорлик
қилиш имкониятлари ҳақида бўлгуси ҳамкорларга
хабарлар юбориб туради. Европадаги турли мам-
лакатларнинг айрим савдо палаталари ва савдо
уюшмалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган,
улар ёрдами билан ҳам Ўзбекистон ишбилармон
доиралари учун ҳамкорлар топишга интиламиз.

Европа билан электрон алоқа йўлимиз орқали
ахборот олиб турибмиз, бу ерда ҳам шундай алоқа
йўлга қўйилган. Амалий алоқа марказининг янги-
ликлари ҳам тарқатилмоқда. Бу янгиликларга ҳар
бир кичик ва ўрта бизнес вакили ўз маърузалари-
ни, банк қонунлари ва тартиб-қоидаларига оид
мақолаларини тақдим этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий
банки тижорат банклари лицензия бе-
риш ва уларнинг фаолиятини тартибга
солиш департаменти директори
Соатмурод НОРҚОБИЛОВ:

- Республика банк тизими қатъий марказлаш-
ган ва буйруқ берадиган тизимдан бозор иқтисо-
диётининг айрим хусусий белгиларига ўтиш бос-
қичида турибди. Банklar ва миқозларнинг ман-
фаатларини бирлаштирувчи иқтисодий усулларга
изчил ўтиш дастури ишлаб чиқилмоқда.

Бозор иқтисодиётини ривожлантириш чоғида
молиявий айирбошлаш йўлларининг икки то-
ифаси амал қилиши муқаррарлиги маълум. Би-
ринчи тоифа - бевосита молиялаш йўли бўлиб,
у пул маблағлари оқими облигациялар ва бошқа
қимматли қорғозларни сотиш йўли билан бевосита
жамғарма эгаларидан қарз олувчилар қўлига
ўтишини билдиради. Иккинчи тоифа - бевосита
молиялаш бўлиб, у банklar, ссуда жамғариш
муассасалари, шунингдек турли молия
жамғармалари каби молия воситачилари орқали
пул маблағлари жамғарма эгаларидан қарз
олувчилар томон оқиб боришини билдиради.
Худди шу иккинчи йўл кичик ва ўрта бизнесни ва
хусусий мулкчилик тамойилларини ривожланти-
риш учун бениҳоя муҳим аҳамиятга эгадир.

Билвосита молиявий воситачиликни таъмин-
лаш тадбирлари тизимида молия-саноат гуруҳ-
лари энг катта аҳамият касб этади.

Молия-саноат гуруҳлари (МСГ)ни тузиш - ҳо-
зирги вақтда бир-бири билан алоқасиз "айлана-
ётган" молия, саноат, савдо, сугурта, интеллек-
туал ва бошқа турдаги сармояларнинг издан
чиққан алоқасини қайта тиклашнинг энг самарали
усулларидан биридир. Республикаимизда мо-
лия-саноат гуруҳлари вужудга келиши учун
асослар борми?

Боя айтганимдек, янги тижорат банклари-
нинг анчагина қисми (Савдогарбанк, Галлабанк,
Енгилсаноатбанк, Мевасабзавотбанк, Алоқабанк
кабилар) концернлар, йирик қорхоналар ишти-
рокида таъсис этилмоқда. Саноат ва мол-
сармоясининг қўшилиб бориши давом этмоқда.
Тижорат банкларининг муассислари (концер-
нлар, корпорациялар ва вазирликлар) пул кадр-
сизланиши шароитида омон қолиш учун ўзлари-
га янги молиявий манба яратаятганликлари
ижобий ҳодисадир.

Ўзаро кредит жамиятлари, кредит коопера-
цияси ва ҳоказолар каби самарали кредит ташки-
лотлари кичик ва ўрта бизнес манфаатларига
ғоят яқиндир.

Банкдан ташқари тусдаги муассасалар маж-
бурий резервлар жамғармасига жалб этилган
маблағлардан маблағ ажратмайди, бу нарса
худди шундай муассасаларни ривожлантириш
заруратини келтириб чиқармоқда. Шундай қи-
линса, тадбиркорларга бериладиган кредит қи-
ймати тижорат банкларидагига нисбатан арзон-
роқ бўлади.

Семинарда банklarнинг таклифлари (хизмат-
лари), кредит олиш учун бюртманомалар тай-
ёрлаш ва кредит операцияларини ўтказиш мас-
салалари кўриб чиқилди, банklar ўз миқозлари-
нинг ишларини янада юриштириб юбориши уш-
нималар қилиши лозимлиги ҳақида таклифлар
айтилди.

ШАРТНОМА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АСОСИЙ МЕХАНИЗМИДИР

Уюмлар, фирмалар, тадбиркорлар, таъкилотлардан Марказий банкка келатган хатларда маҳсулотлар ўз муддатида етказиб берилмаётгани, тўловлар кечикиб ўтказилмаётгани, тузилган шартномалар бузилмаётганидан шикоятлар, марказлаштирилган иқтисодий жазо чоралари ва жарималарни, ҳисоб-китоб қилишнинг ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларга кредитлар беришнинг алоҳида шартларини жорий этиш тўғрисида илтимослар билдирилмоқда.

Жуда кўп хатларда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 январдаги N21 қарорига ҳамда Президентнинг 1995 йил 12 майдаги "Қорхона ва таъкилотлар раҳбарларининг халқ ҳўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун жавобгарлигини ошириш ва тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоблар тартибига киритилган қоидалар юзасидан истисно ҳолларни жорий этиш тўғрисида илтимос қилинган.

Хатларда келтирилган далиллар кўп ҳолларда ҳўжаликларнинг шартномалар тузишда тушунмовчиликларга йўл қўётганларидан далолат бермоқда.

Масалан, муайян турдаги ишлар бажарилиши учун бўнак (аванс) ўтказган фирма шартлашувчи томон ишларни пайсалга солаётганлигидан, ўтказилган пуллар эса узоқ вақт унинг оборотида юрганидан шикоят қилади. Фирма Марказий банкка мурожаат қилиб, қоидабузарлар бўнак ундириб беришни ва унга жарима солишни илтимос қилади.

Бундан ташқари, Марказий банк махсус хат ва кўрсатмалар чиқариш йўли билан шартнома тузган шерикларни кредитлашнинг муайян шаклларида ўтказиши сўралади.

Хат муаллифлари давлат тузилмалари, шу жумладан Марказий банк томонларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги қонунларга риоя этиб, расмийлаштирилган шартномавий муносабатларига аралашинишга ҳақли эмаслигини ҳисобга олмаганлар.

Томонлар ҳўжалик шартномаларини тузиш ва расмийлаштиришга етарлича эътибор билан ёндашганлариди эди, ҳўжалик субъектлари олдида кўндаланг бўлаётган сўпгина муаммоларни осонликча ҳал этиш мумкин бўларди.

Ҳўжалик ислохотининг янги босқичида маъмурий тузилмаларнинг ўзбосимчалик билан чиқарган қарорларидан қонуннинг устуниги тамойили энг муҳим қоидалардан бири, шартнома-бозор шароитида ҳўжалик муносабатларини тартибга солишнинг асосий воситаси эканлигини ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳали яхши англаб етмаганга ўшайдилар.

"Ўзбекистон Республикасида қорхоналар тўғрисида"ги Қонунда қорхоналарнинг бошқа қорхоналар, таъкилотлар ва фуқаролар билан ҳўжалик фаолиятининг барча соҳаларидаги муносабатлари шартномалар асосида қурилиши аниқ айтилган. Қорхоналар шартнома мавзунини танлашда, ўзаро мажбурият олишда, қонунга ҳилоф бўлмаган ҳўжалик муносабатларининг ҳар қандай бошқа шартларини белгилашда эркин иш тутадилар.

Ҳўжалик шартномалари тузишнинг Жаҳонда қабул қилинган тартиблари мавжуд. Ер қуррасининг ҳар бурчида тузилаётган ҳар бир шартномада жумладан, ҳисоб-китоб шакллари, маҳсулот етказиб бериш ва ҳисоб-китоб қилиш муддатлари, уларни назорат қилиш усуллари, шартнома шартлари бузилган тақдирда кўриладиган таъсир чоралари, ҳатто табиий офатлар ва қўйилмаган вазиятлар натижасида зарар кўрилса, бу зарарни ким тўлаши кераклиги кўзда тутилиши зарур.

Ҳисоб-китобларни кредитлаш тартибини танлаш ҳам, ўз навбатида, ҳисоб-китоб-кредит хизмати кўрсатиш тўғрисида ҳўжалик юритувчи шахс билан банк ўртасидаги тузиладиган шартномада айтиб ўтилиши лозим.

Шартнома шартлари бузилиши шартлашувчи томонлар учун иқтисодий жиҳатдан албатта зарарлидир. Шартларни бажариш борасида бирон-бир баҳс чиққан тақдирда, ушбу шартнома юридик ҳўжжат ҳисобланади ва унинг асосида ҳўжалик суди мазкур ишни кўриб чиқади. Шу муносабат билан ҳўжаликлар шартнома тузаётганларида мутахассис юристлар ва иқтисодчиларни жалб этишлари керак ва иқтисодий жиҳатдан тўғри тузилиб, расмийлаштирилган шартнома ҳўжалик битими билан боғлиқ барча муаммоларни бартараф этиши зарур.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 1995 йил 12 май Фармонида ҳўжалик интизомини, хусусан ҳисоб-китоб қилиш тартибини бузган томонларга нисбатан қўлланиладиган жазо чораларини кўчаитириш зарурлиги кўрсатилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоб қилишнинг муайян шартлари ҳамда бу шартларни бузувчиларга нисбатан таъсир чоралари жорий этилган.

Бунда ҳўжалик юритувчи шахслар эркин ҳисоб-китоб қилишнинг бирон шаклини танлашлари учун йўл очиб берилган, яъни улар режали тўловлар тартибиде, чеклар ёки аккредитивлар шаклида ҳисоб-китоб қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳўжалик шартномалари тузилаётган чоғ ана шу барча жиҳатлар ҳисобга олиниши шарт.

Ҳисоб-китоб-кредит ва касса хизмати кўрсатиш тўғрисида банклар билан тузиладиган шартномалар ҳам иқтисодий жиҳатдан пухта ўйланган бўлиши, юридик жиҳатдан тўғри расмийлаштирилган ва ҳар икки томон учун бажариш зарур бўлиши шарт.

Банкларнинг қарз олувчилар билан шартномавий муносабатлари шериклик ҳамда ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланиши лозим. Кредит шартномасининг асосий мақсади - кредит жараёни иштирокчиларининг ўзаро мажбурият ва ҳуқуқларини белгилаб

қўйишдан иборат. Унинг мундарижаси қуйидаги талабларга жавоб беради:

- ягона кредит сиёсати юритиш билан бир қаторда ҳар бир қарз олувчига унинг ҳўжалик-молиявий фаолияти хусусиятларини ҳисобга олиб алоҳида ёндашилишини таъминлаш;

- шартнома тузиш, унинг мазмуни ва кредитлаш шартларини белгилаш жараёнида банк билан ҳар бир мижоз ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатларга риоя этилиши;

- банкнинг кредит шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлари мавжуд кредит захираларига мос бўлиши;

- кредит шартномасида қоида тариқасида бериладиган кредитларнинг бутун ҳажми акс эттирилиши.

Шартноманинг ҳар бир банди аниқ, пухта баён этилган бўлиши лозим.

Банк амалиётида кредит шартномаларининг бир қанча турлари-қисқа муддатли шартнома, узоқ муддатли шартнома, факторинг шартномаси кабилар қўлланилади.

Қисқа муддатли қарз бериш учун, тузилган шартномада кредит мақсади, суммаси ва муддати, уни бериш ҳамда узиш шартлари ва тартиби, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш шакллари, фоиз ставкалари, уларни тўлаш тартиби, томонларнинг кредит бериш ва узишга доир мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва масъулияти, кредит таъминотини текшириш учун банкка тақдим этилган маълумотлар мазмуни аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Қисқа муддатли кредит захира тўплаш ва бошқа харажатлар, маош, иш ва хизматлар ҳақи тўлаш ҳамда бошқа кундалик мақсадлар учун олиниши мумкин.

Кредитдан тўғри фойдаланиш назорати ҳам шартномада кўрсатилади.

Кредит суммаси қарз олувчининг эҳтиёжларидан, унинг қарзни белгиланган муддатда уза олиш қобилиятидан ва банк имкониятларидан келиб чиқиш билан белгиланади.

Шартномада таъкидланадиган яна бир модда - унинг амал қилиш муддати. Қисқа муддатли кредит учун муҳлат кўпи билан 12 ой белгиланади, бироқ, айрим ҳолларда, ишлаб чиқариш жараёни хусусиятлари тақозо этса, муддат узайтирилиши мумкин, лекин 2 йилдан ошиб кетмаслиги керак. Кредитдан фойдаланиладиган аниқ муддат кредитланаётган бойликларнинг айланиши даражасига ҳамда бу харажатлар ўзини қанча вақтдан кейин оқлашига қараб белгиланади.

Кредит шартномасида кредит бериш ва узиш тартиби ёзиб қўйилади. Кредит бир йўла, ҳар кун икки кредит шартномасида белгиланган бошқа муддатларда берилади.

Қарз қуйидаги йўллар билан берилиши мумкин:

- қарз олувчининг таъминотчи номига жўнатиладиган тўлов топшириқномаларида кўрсатилган ҳақни тўлаш;

- қарз олувчига нақд пул бериш (фуқаролар билан ҳисоб-китоб қилиш учун);

- кредит суммасини қарз олувчининг ёзма илтимосномасида кўрсатилган ҳисобвараққа ўтказиш ва бошқалар.

Қисқа муддатли қарзлар қоида тариқасида қарз олувчининг муддатли мажбуриятномалари асосида узилади. Томонлар шартномани имзолаши биланқоқ тузиладиган бу мажбуриятномаларда кредит суммаси, уни қайтариш муддатлари кўрсатилади. Бундан ташқари қарз олувчининг тўлов топшириқларидан ёки банк фармойишларидан (бундай фармойишлар қарз олувчининг ҳисоб-китоб варағи бўйича ундириб олинаётганида қўлланилади)фойдаланиши ҳам мумкин.

Олинган тушумни қарз олувчи махсус ҳисобварағининг кредит қисмига ёзиш, омонат ҳисобварағи бўйича пул ўтказиш, банк кассасига нақд пул ўтказиш кабилар ҳам қарзни узиш усулларида биридир.

Кредит фоиз асосида берилади, шунинг учун ҳам кредит шартномасида фоиз ставкалари ҳамда уларни тўлаш тартиби белгилаб қўйилади. Фоиз ставкаси икки хил - қатъий ва ўзгарувчан бўлиши мумкин.

Қатъий ставка бутун муддат давомида шартнома бўйича бир хилда туради, ўзгарувчан ставка эса пул ва кредит бозорларининг, иқтисодиётнинг ҳамда қарз олувчи молиявий аҳволнинг вазиятига қараб, қайта кўриб чиқирилиши мумкин. Бунда фоиз ставкаси ўзгарганлиги қарз олувчига белгиланган муддатда маълум қилиниши шарт.

Кредит учун тўланадиган ҳақ миқдори ундан фойдаланиш муддатига, қарз олувчи тўловга лаёқатсиз бўлиб қолиши хатарига, кредит захиралари учун тўланадиган ҳаққа, берилётган кредит таъминотининг турига, кредитланаётган тадбир мавзунига, рақобатчи банкларнинг ставкалари ва бошқа омилларга қараб белгиланади. Бунда қарз олувчиларнинг фоизлар бўйича тўлаган ҳақи банкнинг кредит бериш учун зарур маблағларни жалб этиш орқали харажат ва банк ишини юритиш чиқимларини қоплаши, айни пайтда тегишли фойда олинишини таъминлаши зарур.

Шартномада томонларнинг асосий ҳуқуқлари таъкид-

лаб ўтилади.

Банк ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- қарз олувчи қарзни ва унинг фоизларини тўлиқ ёки қисман тўлаши учун шартлашилган муддатда тўлов топшириқномаси бермаган тақдирда, қарз олувчининг розилигини сўрамай ҳисоб-китоб варағи бўйича кредит ва фоизлар суммасини ундириб олиш;

- қарз олувчидан кечикилган ҳар кун учун пеня ундириш;

- қарз олувчи шартномавий мажбуриятларни бажармаган тақдирда кредит беришни тўхтатиб қўйиш;

- кафолатланмаган қарз борлиги аниқланган тақдирда ўз ҳисоб-китоб варағи бўйича таъминланмаган қарз олувчининг қарзини ундириб олиш.

Қарз олувчининг қуйидаги ҳуқуқларини алоҳида кўрсатиш мумкин;

- олинган кредитни банкни огоҳлантириш йўли билан муддатдан илгари қайтариш;

- шартномада белгиланган кредитнинг ҳаммаси ёки кечиктириб берилса, таъминотчи билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмагани учун тўланган пеня ҳажмида банкдан тўлов талаб қилиш;

- кредитни қайтариш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома билан банкка мурожаат қилиш (бунда қоида тариқасида фоиз ставкаси оширилади).

Кредит шартномасида томонларнинг шартларни бузганлик учун жавобгарлик ва келишмовчиликларни ҳал этиш тартиби муфассал баён этилади.

Тадбиркорда харажатларни қоплаш муддати бир йилдан анча ошиб кетганлиги учун кредит олишга эҳтиёж туғилиши мумкин. Бу тадбирлар ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший иншоотлар қуриш, қайта қуриш, ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, техника машина-ускуна ва транспорт воситалари сотиб олиш, шунингдек қўшма қорхоналар ташкил этиш, илмий-техник маҳсулотлар тайёрлаш кабилардан иборат бўлиши мумкин.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун узоқ муддатли кредит берилиши мумкин, лекин мақсадга мувофиқ тадбирлар харажати қисқа муддатда ўзини оқлаши ва юқори самара бериши керак.

Бу ишлар узоқ муддатли кредит шартномаси билан ҳам расмийлаштирилади, лекин унинг мундарижаси бир мунча ўзгаради, чунки узоқ муддатли қарзлар қурилиш-монтаж ишлари бажарилишига, товар-моддий бойликлар сотиб олинишига қараб, маҳсулот етказиб берувчилар ҳамда пудратчиларга ҳақ тўлаш учун пул ўтказиш йўли билан босқичма-босқич бериб борилади.

Узоқ муддатли қарзларни узишнинг аниқ муддатлари ва даврийлигини белгилашда харажатлар ўзини оқлашига, кредит хатарига, шунингдек кредит захиралари айланишини тезлаштириш зарурати кабиларга асосланилади.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси албатта ўзгарувчан бўлиши, у бозор шароитига, депозитлар бўйича пул қадрсизланиши даражаси ва бошқа сабабларга қараб, ҳеч бўлмаганда бир йилда бир марта қайта кўриб чиқирилиши шарт билан белгиланиши зарур. Бунда банк фоиз ставкалари ўзгартирилганини қарз олувчига ёзма равишда маълум қилиб туришига мажбур.

Факторинг операциялари қуйидаги шартномалар асосида амалга оширилади:

- банклар билан маҳсулот етказиб берувчи ҳўжалик таъкилотлари ўртасида муайян муддатга ёки бир галлик операцияларни бажариш учун тузилган икки томонлама шартномалар. Ана шу шартномалар асосида маҳсулот етказиб берувчи тўловчидан тўловларни олиш ҳуқуқини банкка беради (факторинг операцияларини ўтказиш учун тўланадиган ҳақ миқдори кредит учун фоиз ставкаларининг даражасига қараб шартномада белгиланади);

- банкларнинг пул тўлаш ҳўжалик таъкилотлари билан икки томонлама шартномалари. Бундай факторинг барча даъволар юзасидан тўланадиган ҳақ шартномада белгиланган муддат ичида тўланишига кафолат беради. Факторинг кредит пул тўловчининг ўз маблағлари ва банкдан кредит олиш ҳуқуқи бўлмасагина берилади. Бундай кредит ҳақи амалдаги фоиз ставкаларидан кўра кўпроқ бўлади;

- банк билан маҳсулот етказиб берувчи ва пул тўловчи ўртасидаги уч томонлама шартнома (улар ўртасидаги узоқ вақтдан буён бевоcита алоқа ўрнатилган бўлса). Бундай шартномага кўра факторинг маҳсулот етказиб берувчининг ана шу пул тўловчи номига ёзилган тўловнома бўйича ҳақ тўланишига кафолат беради.

Факторинг операциялари орқали ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тўловларни ўтказиш тартиби, тўлов миқдори ва бошқа масалалар айтиб ўтилади.

Елена ЧЕЛУХОВА,
Марказий банк услубият ишларини
мувофиқлаштириш департаменти
директори уринбосари.

"БХ" ўз мухлислари эътиборига ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш, факторинг орқали ҳисоб-китоб операцияларини ўтказиш тўғрисидаги, шунингдек ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш учун кредит бериш ҳақидаги шартномаларнинг намунавий шакллари ҳавола этади.

(Иловага қаранг).

Тадбиркорлик фаолияти ҳамда шахсий ташаббускорликни ривожлантириш ҳозирги пайтда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб турибди. Бу йўналиш ривожланган бозор иқтисодиётига ва пировард натижада республикамиз иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнашига олиб борувчи йўлдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Хукумати хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга доир кўпгина расмий ҳужжатлари ишлаб чиқиш, ҳаётга тадбиқ этмоқда. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида" 1995 йил 5 январдаги Фармони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантиришга доир шўшилнч чора-тадбирлари тўғрисида"ги N 55 қарорини эслатиб ўтиш kifойдир.

Аввалги ҳужжатларга қўшимча суратда қабул қилинган юқоридаги ҳужжатлар, кичик тадбиркорлик асосидаги корхона ва ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш, давлатга қарашли савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини оммавий равишда хусусийлаштириш, фермерликни ривожлантириш кабилар тижорат тузилмалари фаолияти ва қўлайлиги учун қўлай шарт-шароит яратди.

Давлатга қарашли бўлмаган корхоналар сони тобора кўпайиб бормоқда ва ҳозирнинг ўзидаёқ республикадаги барча ҳўжалик юритувчи шахсларнинг 60 фоизидан кўпрогини ташкил этаяпти, яъни ижтимоий маҳсулотнинг қарийб ярми нодавлат шўбасида ишлаб чиқарилаёпти. Маълумотларга кўра, нодавлат шўбасининг энг катта улуши савдо ва маиший хизмат соҳаларига тўғри келади. Бу кўрсаткич 82 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Тошкент шаҳрида нодавлат шўбасида барча саноят корхоналарининг тахминан 80 фоизи, қишлоқ ҳўжалигида эса 91 фоизи ишламоқда. Ёланиб ишловчиларнинг 49 фоизидан кўпроги хусусий корхоналар ва ҳиссдорлик жамиятларида меҳнат қилмоқда.

Ана шу маълумотлар шундан далолат берадики, тадбиркорлик республиканинг иқтисодий ҳаётидан мустақкам ўрин эгаллаб, халқ ҳўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш омилларидан бири бўлиб қолди.

Ҳамма жойда тадбиркорлик фаолиятини банк тизими билан яқин ҳамжиҳатликда ривожлантириш - республикада бозор иқтисодиётига ўтказиш ҳозирги босқичнинг энг муҳим муаммоларидан биридир.

Шуни аниглаб етган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг тадбиркорлик тузилмалари билан муносабатларини такомиллаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқда. Мақсад ўзаро манфаатли шериклик муносабатларига ҳамда икки томонлама адолатли масъулиятга эришишдан иборатдир.

Тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида амалий ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Президентнинг "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, республика банклари хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш хусусида аниқ мақсадли дастур ишлаб чиқиш, ўз бошқаруви мажлисида уни тасдиқлади. Мазкур дастурда тадбиркорларнинг асосий муаммоларини ҳал этиш чора-тадбирлари жамланган ва у оғинимай рўйио этиш учун республикадаги барча банкларга жўнатилган, матбуотда эълон қилинган.

Марказий банк Президент фармонларидан ҳамда ҳўкумат қарорларидан келиб чикувчи вазифаларини ҳисобга олиб, тадбиркорларга кредит-ҳисоб-китоб - хизматлари кўрсатишнинг тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳўжатларни такомиллаштириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг хусусий тадбиркорлар билан ишлаш қоидалари" тўпламини нашрдан чиқарди, бунда барча банк соҳасининг мазкур фаолиятига оид меъёрий ҳўжатлари жамланган. Булар хусусан, хусусий тадбиркорларга юридик шахс мақомини бериш, улар учун ҳисоб-китоб варақлари очиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш, хусусий тадбиркорларга қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бериш, капитал қўйилмаларни молиялаш, касса ҳисмати кўрсатиш, шунингдек корхоналарни тугатиш ҳамда банкрот деб эълон қилиш тартиб қоидалари ёритилган.

1995 йил 22 апрелда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкда "Банклар билан тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорликни мустақкамлаш - бозор иқтисоди-

ёти йўлидаги муваффақият гарови" мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди. Семинарда Президент Девонининг ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, республика тижорат банклари ва барча банк муассасаларининг раҳбарлари. Тадбиркорлар уюшмаси кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва унинг вилоят бўлиниа масъул ходимлари қатнашди. Тадбиркорларни қизиқтирган долзарб муаммолар кўриб чиқилди, тижорат банкларининг ҳисоб-китоб варақларини очиш, вакиллик ҳисобварақларини юрийтиш, кредитлар олиш ва бошқа муҳим масалалари юзасидан муфассал маслаҳат берилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳўзуридаги Пул-кредит комиссияси учун тақлифлар тайёрланди.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида март-апрель ойларида тадбиркорлар билан ана шундай учрашув-кенгашлар ўтказилди.

Марказий банк республика тижорат банклари билан ҳамкорликда ишлаб, жорий йилда тадбиркорлик тузилмаларига ҳисоб-китоб варақлари ўз вақтида очилишини, тўловлар ўтказилишини текшириш, тадбиркорларнинг тақлиф ва шикоятларини кўриб чиқиш мақсадида бир неча маротаба комиссиялар тузиб, республиканинг барча вилоятларга масъул хо-

димлар юборди. Юқоридаги масалалар марказий ва тижорат банклари бошқарувлари мажлисларида бир неча бор муҳокама қилинди, унда ҳисоб-китобларнинг, ҳисоб-китоб варақлари очиш, тўлов ўтказилишини ва бошқа операциялари кечикмаслиги бўйича банк ходимларининг масъулият даражаси белгилаб қўйилди.

Хусусий тижорат тузилмаларини банк хизматидан фойдаланишга фаол жалб этиш, уларга ҳеч қандай монеликсиз ҳисоб-китоб варақлари очиш, кредитли ёрдам кўрсатиш, хусусий тадбиркорларга молия ва юридик масалаларда зарур маслаҳатлар бериб бориш - банк тизимининг бозор муассасалари ва унинг механизмларини ривожлантириш ишидаги асосий чора-тадбирлардир.

Ҳозирги пайтда банклар ҳўжалик ташкилотларига ҳисоб-китоб-банк хизмати кўрсатиш юзасидан шартномаларни бутунлай қайта тузган бўлиб, уларда ҳар икки томоннинг жавобгарлиги, жарима солиш билан жазолаш чоралари белгиланган. Кредит беришдан бош тортилган ҳолларда банк мижозлар талабига кўра нима сабабдан шундай қилганлигини ёзма равишда асослаб бериши кўзда тутилган. Тадбиркорларнинг ҳўжатлари расмийлаштирилишини соддалаштириш мақсадида, истисно тариқа банклар қандай шартнома ва юк ҳўжатлари асос бўлгани кўрсатилмаган тўлов ҳўжатларини қабул қилишига рухсат этилди.

Кўпгина банк бўлимларида мижозлар билан бир меъёрга иш олиб бориш учун қўлай шарт-шароит яратилган, тадбиркорларга маслаҳат бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ахборот стендлари ташкил этилган. Ўзсаноатқурилишбанкнинг Тошкент шаҳридаги "Ракат" филиали бўлими банкларнинг тадбиркорлар билан ишлашини такомиллаштириш ҳамда янгиликларни татбиқ этиш бўйича баъзавий бўлим қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаикда аҳолининг кенг қатламини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва хусусий бизнеснинг ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги ролини ошириш бўйича давлат сиёсатиға мувофиқ равишда фаол иш олиб бормоқда.

Республика банклари тадбиркорликни ривожлантириш, чет мамлакатлардан технология, "ноу-хау", машина-ускуналарни сотиб олиш орқали хусусий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сифатини ошириш учун чет эл молиявий муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирмоқда.

Хусусий тадбиркорларга ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг ташкил этиш ҳамда ривожлантириш мақсадида кредит бериш билан рағбатлантиришнинг асосий воситаларидан биридир.

Бугун Ўзбекистон бўйича нодавлат шўбасига кредит бериш жараёни бетўтов ўсмоқда. Нодавлат корхоналарнинг банкдан олган қарзлари 1995 йил 1 майга келиб республика бўйича 1234,5 миллион сўмни, шу жумладан кичик корхоналар қарзи - 396 миллион сўм, кооперативларники - 363,9 миллион сўм, деҳқон ҳўжаликлариники - 116,7 миллион сўм, тадбиркорларники - 207,4 миллион сўм, ижарачиларники - 150,3 миллион сўмни, яқка тартибда фаолият юргизувчи шахсларнинг қарзлари эса 0,2 миллион сўм-

ни ташкил этди.

Тадбиркорларга комплекс хизмат кўрсатиш ҳамда уларга молия ва кредит билан ёрдам бериш мақсадида 1993 йилда "Тадбиркор" ҳиссдорлик-тижорат банки ташкил этилган эди. Ҳозирги кунда бутун республикада унинг 181 нафар филиали ҳамда 50,4 мингдан ортқ қишлоқ ва шаҳарлик мижозлари бор. 1995 йил 1 январга келиб, уларнинг сони 4000 дан ошди. 1995 йил бошидан эътиборан Ўзтадбиркорбанкнинг 42та бўлимида тадбиркорларга хизмат кўрсатадиган жами 69 касса очилди, яна 50 тадан кўпроги яқин орада очилади.

Тадбиркорлар унинг шўшилнч эҳтиёжлари учун ўз вақтида нақд пул бериш банк кўрсатиши мумкин бўлган энг катта ёрдамдир. Ҳисоб-китобларни тезлаштириш ҳамда айланмадаги нақд пул ҳажминини камайтириш учун ҳисоб-китоб чеклари жорий этилган. Бўш пул массасини жалб этиш мақсадида қишлоқ аҳли учун ниҳоятда фойдали янги омонат турлари очилди.

Деҳқон (фермер) ҳўжаликлари хусусий тузилмаларга ёрдам бериш учун Ўзтадбиркорбанк 1995 йил бошидан ҳозирги вақтгача 421,8 миллион сўмдан кўпроқ (беvosита деҳқон ҳўжаликлариға 41,1 миллион сўм) кредит берди. Шулардан 420,8 миллион сўми қисқа муддатли кре-

дитлардир.

Ўзтадбиркорбанк чет эл инвестицияларини жалб этиш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда. Чунончи, Олмоннинг КФВ банки (Кредитанштальт фюр Видерауфбау) 85 миллион немис маркаси ҳажмида кредит тармоғи очди. Бу кредитни фермер (деҳқон) ҳўжаликлариға ҳамда қишлоқ жойлардаги кичик корхоналарга бериш мўлжалланган. Имтиёзли чет эл кредитлари олиш учун банк ўз мижозлари билан ҳамкорликда 68 та техник-иқтисодий асосномани текширувдан ўтказди, ҳозирнинг ўзидаёқ 23 лойиҳа республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиғига тақдим этилган. Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун мижозларимизга 28 миллион марка сарфлаб, немис машина-ускуналари етказиб берилди.

Ўзтадбиркорбанк озиқ-овқат дастурини муваффақиятли амалга ошириш ҳамда республикамиздаги фермерлик ҳаракатини ривожлантириш мақсадида 1995 йил 1 январгача тадбиркорлик тузилмаларига 74 миллион сўм имтиёзли тариқа кредит берди. Узоқ муддатли кредитлар кўпроқ чорвани кўпайтириш учун берилди, бу эса фермерларга ўз ҳўжаликларини анча кенгайтиришлари учун имкон яратди. Чунончи, Бухоро вилоятда қорамол туёғи шундай кредитлар ҳисобига уч барабар ошди.

Республика банклари турли тижорат тузилмаларига кредитлар бериш орқали молиявий ёрдам кўрсатиб келдилар ва ҳозир ҳам шундай қилишмоқда. Биринчи навбатда халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан бозорларни тўлдириш, аҳолиға пуллик хизмат кўрсатиш ҳажминини оширишга, бозор инфратузилмасини ривожлантиришга ёрдам бераётган тижорат тузилмаларига эътибор қилинмоқда.

Ўзсаноатқурилишбанкка тадбиркорлик тузилмаларидан кредит олиш учун 103 буюртма тушган бўлиб, улардан 64 таси бўйича ишлаб чиқариш учун халқ истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга маблағ ажратилди. Бошқа буюртманомалар корхоналарнинг тўловга лаёқатсизлиги ҳамда қарзларини узиниға қурбилари етмаслиги сабабли қайтарилди.

Республика банклари миллий валюта тариқа кредитлардан ташқари АҚШ долларида ҳам қарз беришмоқда. Чунончи, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кредит битими шартларига мувофиқ Европа таъмирлаш ва тараққиёт банкидан Ўзбекистон Республикаси кафолати билан 10 йил муддатга 60 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олди. Бу кредит хусусий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларини молиялашга йўналтирилди. 1994 йили банк умумий маблағ ҳажми 23 миллион 601,6 минг АҚШ доллари билан ташкил топган лойиҳаларни танлаб олди. Шулардан 8 миллион 517,6 минг долларли лойиҳалар маъқулланди ва 4 миллион 290,6 минг АҚШ доллари миқдорида кредит берилди. Танлаб олинган лойиҳаларнинг барчаси республикада жаҳон бозорида рақобатта бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилган. Кейинги 3 йил ичида кредитнинг қолган қисми ҳажмида лойиҳалар танлаб олинishi, 1996 йилнинг март ойигача биринчи улуши - 20 миллион доллари - тақсимлаб

берилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги N 49 қарорига мувофиқ миллий валютатамиз - сўмнинг ички эркин айирбошланишини таъминлаш ҳамда инвестицияларни жалб этиш мақсадида, Миллий банк жисмоний шахсларға "VIZA" - варақчалар бўйича нақдсиз валюта кредити бермоқда. Шу усулда жорий йилнинг 1 мартига қадар қарийб 300 минг АҚШ доллари миқдорида кредит берилди.

Республика банклари корхоналарға кредит-ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатишдан ташқари, бозор инфратузилмасини шакллантиришда фаол қатнашмоқда, Тадбиркорлар уюшмаси, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Республика кўчмас мулк биржаси, Жамғарма биржаси ишида иштирок этиш йўли билан кичик ва ўрта бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ёрдам кўрсатмоқда. Чунончи, Ўзбекистон "Ипак йўли" инновация тижорат банкнинг ташаббуси билан "Бизнес-фонд" ҳамкорлиғида тадбиркорларнинг "Ташаббус-94" танлови ўтказилди. Танлов истиқболли ишлаб чиқариш корхоналарини қуришга, республиканинг экспорт имкониятларини ошириш ва шу асосда миллий валютани мустақкамлашга қодир тадбиркорлар-

ни аниқлаб, уларни кредит бериш йўли билан рағбатлантириш имконини яратди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш умумий оқватланиш тармоғини кенгайтириш, турли хил маиший хизматлар кўрсатиш, қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш, меҳмонхона бизнеси сайр-саёҳат каби йўналишларда катта фойда олинишини таъминладиган лойиҳаларға алоҳида эътибор берилди.

Марказий банк хусусий тадбиркорларға ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ вазиятни доимий суратда таҳлил қилиб, бундай мадалини рағбатлантиришга доир тақлифларини республика ҳўкуматиға тақдим этиб турибди.

Умуман, айтиш мумкинки, банклар билан тадбиркорлар ўртасидаги муносабатлар ижобий томонға ўзгарди: агар илгари тадбиркорлар банк етарлича ёрдам бермаётган, ҳаддан зиёд назорат ўрнатиш орқали ишини мушкуллаштиратган муҳолиф, деб ҳисоблаган бўлса, энди муайян муросаға эришилди. Шунга қарамай тадбиркорлар томонидан банкларға ҳали ҳам эътироз ва даъволар билдириб турилибди.

Айрим ҳолларда бу эътирозлар асослидир. Хусусан, ҳисоб-китоб варақлари очиш борасида қоғозбозлик ва сансалорлик қилинаётгани, хусусий корхоналарға имтиёзли кредит бериш ҳажми қисқартирилгани, пул маблағлари бўйича эҳтиёжлар тўла қондирилмаётганлиги тўғри.

Бироқ юқорида айтилган камчиликларға банкларнинг "ғайрлиғи" эмас, балки мавжуд меъёрий ҳўжатлар ва ҳисоб-китоб варақларини расмийлаштириш тартиби сабаб бўлмоқда. Бу ҳўжатларни қабул қилишда миллий валютанинг мавқеини мустақкамлаш ва пул қадрсизланиши суръатини пасайтириш мақсадида қаттиқ пул-кредит сиёсати юритилаётганлиги сир эмас. Шу муносабат билан кредит ва нақд пул эмиссияси ўсиши кескин чеклаб қўйилди. Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси ва захира талабларининг ҳажмлари оширилди, бу йўналишдаги назорат кучайтирилди.

Марказий банк тадбиркорлар билан самарали шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш мақсадида банклар ишидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал қилиш юзасидан зарур чоралар кўрди.

Тижорат банклари активларининг 20 фоизидан ортғи инвестиция ажратиш учун хизмат кўрсатишға йўналтирилган бўлса, уларнинг Марказий банкдаги мажбурий захиралари шу банкларнинг ўзларига қайтарилишға рухсат этилди.

Марказий банкда хусусий тадбиркорлик билан ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш масалалари бўйича доимий шуғулланадиган махсус комиссия ташкил этилган. Ҳамма банк ходимлари ўз муассасаларининг республика иқтисодиётини мустақкамлашдаги ролини тўлушунган ҳолда долзарб масалаларни ҳал қилиш ва камчиликларни бартараф этиш учун қўлларидан келган барча ишни амалға оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Статистика ва иқтисодий таҳлил департаменти

ШАХСИЙ ТАШАББУС ҲАМ...

ЧЕТ ЭЛ БАНКЛАРИ ОРҚАЛИ ТЎЛОВ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИШ

Сиздан хорижий банклар билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш ва уларни давом эттиришнинг қуйидаги айрим жиҳатларини тушунириб беришингизни илтимос қиламиз:

вакиллик ҳисобварақлари ва мультивалюта вакилига ҳисобварақлари очиб ҳақида умумий тушунчалар;

вакиллик ҳисобварақлари очиб ҳақида умумий тушунчалар;

Вакиллик ҳисобварақлари бўйича ҳисобот (агар у мавжуд бўлса);

Вакиллик ҳисобварақларини очиб ва ёпиш тартиби;

Вакиллик ҳисобварақларини юритиш;

Тахминий тариф ставкалари;

Операцияларнинг қонунийлиги;

Вакил банкнинг таҳлили;

Вакиллик ҳисобварақларини очиб бўйича қандай адабиётлар мавжуд?

Операцияларни амалга ошириш учун қандай алоқа воситаларидан фойдаланилади?

Р.АХРОЛОВ,

Ўзтадбиркорбанкнинг етакчи мутахассиси.

Марказий банкнинг тартибга солиш ва ташқи алоқалар департаменти халқаро операциялар бўлими бошлиғи Қобулжон Ахметовдан юқоридаги масалалар юзасидан тушунириш беришини илтимос қилдик:

1. Турли мамлакатларнинг юридик шахслари ва фуқаролари уртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар мавжудлиги сабабли вужудга келадиган пуллик талаблар ва мажбуриятлар бўйича тўловларнинг тартибга солиниши - халқаро ҳисоб-китоб дейилади. Халқаро ҳисоб-китобларнинг асосий қисми нақд пулсиз яъни ҳисобварақлар бўйича бухгалтерлик ёзувлари орқали амалга оширилади. Халқаро ҳисоб-китоблар, одатда, бир-бири билан вакиллик муносабатларини ўрнатган банклар орқали бажарилади. Банклар уртасидаги вакиллик муносабатлари аввало банкнинг миқдорлари билан хорижий шериклар уртасида вужудга келадиган тўловларни жадаллаштириш учун ўрнатилди.

Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун вакил банклар бир-бирига ҳисобварақлар очиб олиш мумкин. Бирон банк хорижий банкда очадиган ҳисобварақлар "Ностро" (итальянча "бизники") деган маънони англатади) деб аталади. Бирон банкда хорижий банк очадиган ҳисобварақлар "Лоло" (итальянча - "уларники") деб номланади.

Вакиллик ҳисобварақлари бир ва бир неча валюталар учун хизмат қилиши мумкин. Бир неча валюталар учун очилган ҳисобварақ "мультивалюта ҳисобварақ" дейилади.

2. Хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатган ва бу банкларда ҳисобварақлар очган ва қолатли банклар мазкур ҳисобварақлардаги маблағларни мустақил равишда назорат қилади ва ҳисобини юритади. Вакиллик ҳисобварақларининг юритилиши банкнинг ички иши бўлиб, ушбу ҳисобварақлар бўйича қундалик балансга эга бўлиш зарур. Банкнинг баланси банк раҳбари томонидан назорат қилинади. Ҳисобот муддатлари ва шакллари Марказий банкнинг метёрий ҳужжатлари томонидан белгиланади.

3. Хорижий валюталардаги операцияларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий руҳсатномасига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банклари бирон хорижий банк билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш (ёки тўхтатиш) ҳақидаги масалани мустақил равишда ҳал қилади.

Вакиллик муносабатлари икки томонлама шартнома ёки ёзишув орқали махсус банклараро битимни тузиш билан расмийлаштирилади.

Вакиллик муносабатларини ўрнатган банклар бир-бирига почта ёки телеграф (телекс) орқали юборадиган тўлов ва бошқа ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини белгилашга имкон берадиган назорат ҳужжатлари (вакил қилинган шахсларнинг имзо намуна альбомлари, Низоом банкнинг йиллик баланси, телеграф бўйича пул ўтказиш қалитлари) билан алмашишади.

4. Хорижий валюталардаги вакиллик ҳисобварақлари сўмлардаги вакиллик ҳисобварақлари билан бир

хилда юритилади, яъни ҳар бир вакиллик ҳисобварақи бўйича шахсий ҳисобварақ очилади, ҳар бир суммага асосан вакиллик ҳисобварақи орқали ўтказилган бухгалтерлик ҳисоби юритилади. шахсий ҳисобварақдаги маблағларни қирим қилиш ёки ҳисобдан чиқариш вакил банкдан олинган тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳисобварақдан кўчирма телекс, СВИФТ бўйича хабарнома) асосида амалга оширилади.

Вакиллик ҳисобварақида доир барча операциялар банкнинг бир ёки бир неча раҳбари имзолаган ёзма топшириқнома асосида ўтказилади. Бундай ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга вакил шахслар руҳияти банк раҳбари томонидан тасдиқланади.

5. Банкнинг топшириғи бўйича операция ўтказишда вакил банк мавжуд тариф ставкаларига биноан воситачилик ҳақини ўқдириб олади. Воситачилик ҳақининг миқдорлари вакил банк томонидан мустақил ҳолда белгиланади. Мазкур даврда қарор топган иқтисодий аҳвол, вазиятга қараб, воситачилик ҳақи миқдорлари ўзгариб туриши мумкин. Вакил банк ҳамма ўзгаришлар тўғрисида ўз миқдорларини олдиндан хабардор қилиши шарт (банклар вакиллик муносабатларини ўрнатиш пайтида бу тўғрисида келишиб олиш керак).

6. Вакиллик ҳисобварақлари бўйича ўтказиладиган операцияларнинг қонуний ҳуқуққа эгаллиги аввало Ўзбекистон Республикасининг қонуний ҳужжатлари ("Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонун, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонун ва бошқалар), Марказий банкнинг йўриқнома ҳужжатлари ва ички ҳужжатлари билан белгиланади.

7. Бирон-бир банк билан вакиллик муносабатларини ўрнатиш учун унинг реестрининг, ҳар қандай банк операцияларини юргизиш имкониятлари ва МДХ мамлакатларининг банклари билан ишлаш тажрибаси бор-йўқлигини аниқлаш зарур. Бундай омилларни аниқлаш учун банкларнинг Тошкент шаҳрида очилган ваколатхоналари, элчихоналарнинг иқтисодий маслаҳатчиларига, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчихоналарига мурожаат қилишлари мумкин.

8. Хорижий банкларда вакиллик муносабатларини ўрнатиш ва ҳисобварақлар очиб учун банклар уртасида тузилган шартнома асосий ҳужжат ҳисобланади. Бундан ташқари, банклар ва уларнинг миқдорлари ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишда Халқаро Савдо Палатаси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқлаган "Бирхиллаштирилган қоидалар"га амал қилади. Минтақавий банк ўқув маркази (Тошкент ш.) томонидан бир неча материаллар нашр қилинган, "Дойч банк АГ" (Олмония)нинг ваколатхонаси томонидан рус тилида "Вакиллик муносабатлари" ўқув қўлланмаси чоп этилган.

9. Хорижий валюталардаги банк операцияларини амалга ошириш учун SWIFT (Society for worldwide interbank financial telecommunication) Жаҳон банклараро молиявий телекоммуникациялар жамияти энг кўп тарқалган алоқа воситачи ҳисобланади, унинг қароргоҳи Бельгияда. Бундан ташқари, телекс ва факсдан фойдаланиш мумкин.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ БАНКИ: ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Боши 1-бетда.

угит билан таъминлаш имконини беради.

Марказий Осие банкнинг манфаатлар доирасига уч давлат ҳудудидан ўтадиган ва умумий халқ ҳўжалик аҳамиятига эга бўлган муҳим иншоотлар - темир йўл, автомобиль йўллари ва қувурлар қиради. Бир республиканинг ўзи бундай мураккаб иншоотларни маблағ билан таъминлаши қийин. Халқаро банк мавқеига эга бўлган ва хорижий кредитларни жалб қила оладиган Марказий Осие банки улкан аҳамиятта молик (глобал) муаммоларни ҳал этиш учун ташкил этилган.

Бу банкнинг тижорат банкидан яна бир фарқи шундаки, у узоқ муддатли негизда, камда бир йиллик муддатда кредит беради. Чунки йўллар, янги заводлар ва бошқа иншоотларнинг қурилиши кўплаб маблағ сарфланишини ва кўп муҳлат зарур бўлишини назарда тутди.

Яна бир тафовут: банк ҳўжалик-савдо операциялари билан шуғулланмайди, лекин ҳисоб-китобларнинг муайян турларини, жумладан, минтақадаги корхона ва ташкилотларнинг эркин айирбошланади-

ган валюталардаги маблағларини узоқ муддатли асосда жалб қилиш ва шу кабиларни амалга ошириди. Фикримча, бу банк фойда олишга йўналтирилмаслиги лозим. Банк мақсадлари кенгрокдир - у минтақада давлатлар даражасида кредит берадиган ва муҳим лойиҳаларни маблағлар билан таъминлайдиган Жаҳон таъмирлаш ва тараққиёт банки, Осие таъмирлаш ва тараққиёт банки ва бошқалар бажарадигани сингари вазифаларни амалга ошириди.

- **Ҳозирча МДХда ягона бўлган Марказий Осие ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг тузилиши қандай?**

- Марказий офис Алматида жойлашган. Унда 180 киши ишлайдиган бўлади. Пул-кредит сиёсати, молиявий лойиҳаларни ўрганиш ва таҳлил этиш ва ҳоказолар бўйича департаментлар ташкил қилина-япти. "Олимбанк" (Қозғистон)нинг собиқ президенти Сотиводи Сазанов МХТБнинг президенти, у сергайрат, билимдон банкчи, унинг саби-ҳаракатлари тўғрисида "Олимбанк" энг йирик ва истикболли банклардан бирига айланди. Ўзбекистон ва Қирғизистонда Марказий Осие ҳамкорлик ва тараққиёт банкнинг филиаллари иш олиб боради.

Валюта тизими валюта муносабатларини ашқил этишнинг давлатлараро битимлар орқали белгиланадиган давлат-ҳуқуқий мақли бўлиб, у бирданига пайдо бўлгани ўқ. Унинг пул тизимидан ажралиб чиқи-и ва мустақил тоифага айланиш қиймати ул шаклининг узоқ вақт давомида ривож-аниши ва пул ўрнида ишлатиладиган риндлошларнинг пайдо бўлиши жараёнида эага келди.

Пул тизими пул шаклининг пайдо бўли-и ва пул ролини асл металллар, кейинча-ик улардан бири - олтин ўйнай бошла-и натижасида вужудга келди. Бунда пул изимини ташкил этиш асослари товар-ул муносабатлари кенг ривожланган бар-а мамлакатлар учун деярли бир хил бўл-и. Бу, аввало, пул ишланадиган металлдан малол танга зарб қилиниши, қиймат лгиларининг олтинга ҳеч қандай тўсиқ-из алмаштирилиши ва унинг бир мамла-тдан бошқасига эркин ўтиб юриши эди. пайтда валюта муносабатларини давлат-лараро шартномалар ва битимлар орқали тўғй тартибга солиб туриш учун рурут йўқ эди, умуман лганда, бурунги унда биз

ЖАҲОН ТАЖРИБАСИДАН

ВАЛЮТА СИСТЕМАЛАРИ ВА ТИЗИМИ

тушу-
надиган маъно-
даги валютанинг ўзи ҳам
бўлмаган эди.

Халқаро валюта тизимларининг шак-аниши олтин танга андозасидан олтин-инини босадиган андозага ўтилиши ва-тинни бир мамлакатдан бошқасига олиб-риш ва олиб чиқиш соҳасида чеклаш-рий қилиниши билан боғлиқдир. Бу-р валюта муносабатларининг пул му-аласидан ажралиб чиқиши билан та-в-фланади, яъни миллий пул бирлиги ўз-млакатлари доирасидан четга чиқиб,-ққаро тўлов айланмасига хизмат қилади-а валюта мақомига эга бўла бошлади.

Биринчи халқаро валюта тизими Гену-а 1922 йилда бўлиб ўтган молия-иқтисо-и конференция иштирокчилари давлат-аро битимлари асосида ташкил топди.-тинни англатувчи халқаро валюта деб-лган ушбу тизим олтиннинг аҳамиятини-да пасайтириб юборди ва миллий кре-пулларини жаҳон пуллари ролини ба-увчи сифатида илгари сурди. Ўша дав-қиймати бўйича Англия фунт стерлин-ушбу тизимнинг асосий барқарор валю-и бўлди. Биринчи жаҳон уруши давоми-Франция франки 80 фонизга қадрсизлан-ида инглиз фунт стерлинги қадри бор-и 25 фониз тушди. Лондонда бошқа мам-атлар марказий банкларнинг беҳисоб-лағлари сақланар, Англия фунт стер-гининг мустақамлигига ишончи ко-и бўлган кўпгина йирик саноатчилар-и ўз сармояларини Лондонда сақлашар-и. Англия ҳукумати ўз валютасининг хал-о молия соҳасидаги обрўсини юксак-ажада тутиб туришга интиларди. Аме-ка доллари эса юқори даражада барқа-лигига қарамай халқаро пул айланмада-и тўлиқ хизмат қила олмас эди. Валю-инг жаҳон пули вазифасини бажара-иш учун ўзаро муомала воситаси вази-ини фаол ўташи зарурки, доллар ўша-тда бундай вазифани ҳали сует бажарар-и, чунки АҚШ иқтисодиёти ўша пайтда-қ тусга эга бўлиб, жаҳон бозори савдо-и ташқари амалга оширадиган опера-и ва ссуда сармояс билан боғлиқ-рацилари айтариқ даражада кўп эмас-и. Бундан ташқари, АҚШда бу пайтда-лар орқали ҳисоб-китобларнинг-ончилиги ва фойдалигини таъминла-ган хорижий банклар тармоғига эга-с эди. 20-йилларнинг бошларида жаҳон-до айланмасининг қарийб 60 фониз-лия банклари томонидан маблағ билан-минланардики, бу ҳол фунт стерлинг-оннинг асосий захира валютаси бўли-а имконият яратди.

Бироқ давлатлараро битимлар асосида-қудга келган ўша биринчи валюта тизи-мустақам эмаслиги маълум бўлди. У-қаро валюта тизимларининг асосий та-ларига жавоб бера олмасди, яъни у-риб турадиган шарт-шароитга мосла-ш ва айрим давлатларнинг манфаатла-и мувофиқлаштириш учун зарур воси-арга ҳали эга эмас эди. Бу ҳол ўза-ида миллий ҳўжаликлар кам даражада

байналминаллашгани ва валюта муноса-батларини тартибга солувчи воситалар-сони чекланмаганлиги билан изоҳланар-ди. Генуяда жорий этилган валюта тизи-ми барқарор эмаслиги унинг 1929-1933-йиллардаги жаҳон иқтисодий таназзули-даврида барбод бўлишига олиб келди. Бу-ҳол валюта иттифоқлари ташкил топи-ида, валюта чеклашлари ва халқаро ҳи-соб-китоблардан клиринг тизими жорий-қилинишида намоён бўлди. Иккинчи жа-ҳон уруши арафасидаги валюта тизими-нинг инқирози ҳўжалик муносабатлари-нинг байналминаллашиши ва халқаро меҳнат тақсмоти жараёнларига тўсқин-лик қилиши билан халқаро валюта му-носабатларининг торайишига сабаб бўл-ди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги-валюта тизимига 1944 йилда Бреттон-Вудс халқаро конференциясида асос со-линди. Конференция қарорига биноан-валюта механизми, яъни валюта тизими-амал қилишининг шарт-шароит ва қо-идалари туркумининг шаклланишига за-мин яратилди. Бреттон-Вудс битимининг-асосий қоидаларида олтинни англатади-ган андоза туридаги тизим барпо қилини-шини кўзланган эди. Бундай тизимда за-хира валюталари - доллар ва фунт стер-линг олтин билан бир қаторда тўлов во-ситасининг ролини бажара бошлади.

Захира валютаси жаҳон савдосида-етаки ўрин эгаллаётган мамлакатлар-нинг миллий валютаси, яъни халқаро тў-лов айланмасига хизмат кўрсатиш учун-нархларни белгилаш, шунингдек, валюта-захираларини бошқа давлатларнинг мар-казий банкларида сақлаш учун фойдала-ниладиган миллий валютадир.

Хорижий давлатлар марказий банка-ри долларини тақдим этганида АҚШ ха-зинахонаси банклари шу долларларни-ҳар 35 доллар учун битта троунцияси (31,1 грамм олтин) миқдоридидаги расмий-курс бўйича алмаштириб бериш мажбу-риятини зиммасига олганлиги Бреттон-Вудсда жорий этилган валюта тизими-нинг яна бир муҳим тамойили эди. Бун-дай нарх 1944 йилда Америка ҳукумати-и "1 доллар - 0,888671 грамм олтинга тенг"-деб бир долларда олтин улушини белги-лашидан келиб чиққан эди. Бошқа мам-лакатларнинг валюталари, шу жумладан, Англия фунт стерлинги ҳам олтин билан-ана шундай нарх орқали белгиланган-эди. Доллар бундай мавқега урушдан-кейинги даврда АҚШ иқтисодий қудрати-нинг ўсиши натижасида эришган эди. АҚШ жаҳон савдосининг асосий ишти-рокчиси бўлиб қолгани сабабли доллар-ҳам жадал сурьатлар билан жаҳон пул-бозорини тўлдириб юборади.

Бреттон-Вудс битими валюта тизими-нинг бошқа муҳим унсурларини ҳам бел-гилаб берди. Булар, жумладан валюта-курсларини бошқариб туриш тартиби ва-уларга риоя қилинишини назорат этиш, тўловларнинг кўп томонлама тизимини-тартибга солиш, валюта чеклашлари ва тўлов баланслари сальдосини тартибга-солиб туриш кабилардир. Халқаро валю-та-молия конференциясида шу мақсадда-БМТнинг иктисослашган органи - Халқа-ро валюта жамғармаси (ХВЖ) ташкил-етилди. Жамғарма сармояс унга аъзо-бўлган мамлакатларнинг квотага муво-фиқ тўлайдиган бадаллари ҳисобидан-ташкил топади. Мазкур квота ҳар бир-мамлакат учун, унинг иқтисодий қудра-ти, жаҳон иқтисодиёти ва ташқи савдода-тутган аҳамиятидан келиб чиқиб белги-ланади. 1947 йилда жамғи 7,7 миллиард-долларлик квоталар суммасига эга бўл-ган 49 мамлакат, 1989 йилда эса 120 мил-лиард долларлик квоталар суммасига эса-152 та мамлакат ХВЖ га кирган эди.

ХВЖнинг асосий вазифаси валюта-курсларини тартибга солиш ва валюта-паритетларининг барқарорлигини қўл-лаб-қувватлашдир. ХВЖ Уставига муво-фиқ, жамғармаси аъзолари бўлган мам-лакатларнинг валюта курслари доллар-ларда ифодаланган ва қатъий қайд қи-линган валюта паритетлари асосида бел-гиланади ва улар фақат жамғарма ижоза-тига кўра ўзгартирилади. ХВЖ Уставига-биноан валюта курсларининг паритетга-нисбатан оғиши бир фониз доирасида-белгиланган ва Бреттон-Вудс валюта ти-зимининг аъзолари бўлган мамлакатлар-нинг марказий банклари валюта курса-ри тебранишининг шундай даражасини-қўллаб-қувватлаб туриши шарт қилиб-қўйилган эди.

ХВЖ, шунингдек, ўзаро ҳисоб-китоб-лар баланслашмаслигини ҳам тартибга-солиб туради. У нобарқарор валюталар-ни қўллаб-қувватлаш мақсадида тўлов-баланслари тақчиллигини қоплаш учун-қаттиқ валюталардаги кредитларни тақдим-этиши шарт.

САЙМОН БЕРЖОНОВ,
профессор.

ЖАҲОН БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ Қўллаб-қувватламоқда

Жаҳон банки - кўп тармоқли ташкилот бўлиб, ривожланаётган мамлакатлар халқларининг ҳаёти пировард-оқибатда ҳар томонлама яхшиланишига хизмат қилганидан иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмаклашиш учун даъват этилган.

“Жаҳон Банки” дейилганда ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан мустақил бўлган икки субъект: Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки (ХРТБ) ва Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) қўзда тутилади. Улар ўзаро бири-бирига боғлиқ уч вази-фани бажаради: қарз учун сармоя ажратиш, иқтисодиёт соҳасида маслаҳатлар бериш ва техник ёрдам кўрсатиш, шунингдек бошқа манбалардан инвестиция оқиб келишини рағбатлантириш. ХРТБнинг кредит фаолияти аввало, жаҳон сармоя бозорларида қарзга олинган маблағларни жалб қилиш ҳисобидан молияланади. ХТУ эса энг камбағал мамлакатларга кредит узишнинг энг имтиёзли шартларини тақдир қилади. Бунинг учун зарур захира маблағ асосан унга аъзо бўлган бой мамлакатлардан келиб тушади. Кейинги пайтда турли лойиҳаларни Жаҳон Банки ҳисобидан, ҳукумат, тижорат банклари, экспорт-кредит вакиллик-лари ва бошқа ташкилотларнинг захира маблағларини ҳам қўшган ҳолда, маблағ билан тобора кенг қўлоч ёймоқда. Жаҳон Банки, шунингдек ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий сиёсатга ва инфраструктурага ўзгартиришлар кири-тишига ёрдам берадиган қарзларни ҳам бераётир.

1992 йил сентябрда Тошкентда Жаҳон Банкнинг минтақавий ваколатхонаси иш бошлади. Унга Парвез Ҳасан раҳбар-лик қилади. Ваколатхона ўз экспертлари орқали Ўзбекистон иқтисодиётининг тараққиёт истиқболларини белгилаш, би-ринчи навбатда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни аниқлаш мақсадида, аввало, республика иқтисодиётини ҳар томонлама таҳлилдан ўтказди. Кейинча-лик банкнинг директорлар кенгашига тақдим этилган ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан тасдиқланган ушбу таҳлил, республикамизга қандай хорижий ёрдам зарурлигини ва уни қай тарзда яхшироқ амалга ошириш йўллари белгилашга имкон беради.

Ўзбекистонга 21 млн. АҚШ долларини миқдори қарз берилиши Жаҳон Банки кўрсатаётган ёрдамнинг дастлабки бос-қичи бўлди. Бу сумманинг қарийб ярми республика Марказий банкнинг тўлов-лар тизимини, иш билан бандлик хизма-тини, хусусийлаштириш секторини ком-пьютерлаштириш учун мўлжалланган. Қолган қисми иқтисодиётнинг бошқа қатор соҳаларига, жумладан, молия тизи-ми, энергетика ва телекоммуникацияни ривожлантириш учун техник ёрдам кўрсатишни назарда тутди ва инвестиция лойиҳалари орқали амалга оширилади. Кредит 20 йиллик муддатга, 7 фоизли ставка ҳақи тўлаш шарти билан берил-ди.

Ўзбекистон кейинги пайтда иқтисоди-ётни барқарорлаштириш ва уни тарки-бий жиҳатдан ислоҳ қилиш соҳасида жиддий тараққиётга эришганини ҳисобга олиб, Жаҳон Банки Ўзбекистонга қар-ийб юзларча миллион АҚШ долларини миқдорида икки кредит - тикланиш кре-дити ва пахтачилик учун кредитини тақ-дим этишга доир дастурни ишлаб чиқди.

Тикланиш учун қарз доирасида амалга оширилладиган дастур Ўзбекистон иқти-содиёти ва сиёсатида юз берган ўзгариш-ларни мустаҳкамлашга қаратилган. Маз-кур дастур мулкни хусусийлаштириш, давлатнинг маркетинг ва тақсимотдаги родини ўзгартириш, шунингдек аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ этишга доир чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашни назарда тутди. Корхоналарда ислохотни амалга оши-риш мақсадида зудлик билан (12-18 ойда) туланидиган тўловларни ташкил этишга, шу жумладан хусусийлаштиришдан кей-инги босқичда корхоналарга ёрдам бери-лишига доир тадбирлар кўрилиши мум-кин. Банк аynи вақтда уч йил ичида 400-450 млн. доллар миқдорида баҳоланади-ган бир неча лойиҳаларни кўриб чиқиш-ни сўлажталган. Хусусий сектор, айниқ-са, маъноат товарлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган хусу-сий корхоналар учун инвестицияни авва-ло қайси тармоқларга ажратиш лозим-лигини эса инвесторларнинг ўзи белгила-

йди. Шу билан бирга, бир неча истиқ-болни йўналишда, яъни тўқимачилик са-ноатини ривожлантириш ва замонавий-лаштириш, деҳқончилик-саноат мажму-ини маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлаш жиҳатидан такомиллаштириш, туризмини ривожлантириш ва меҳмонхоналар қу-риш каби соҳаларда иш олиб борилиши мумкин.

Тахминий ҳажми қарийб 70 млн. дол-лардан иборат бўлган ва пахтачилик со-ҳасига ажратиладиган кредит, Жаҳон Банки раҳбариятининг фикрича, хусусий секторда чигит тайёрлайдиган, ҳукумат-га пахта маҳсулотини сертификатлаш жараёнини такомиллаштиришда ёрдам кўрсатадиган, фермер хўжаликларини ривожлантирадиган, қишлоқ хўжалик за-раркунандаларига қарши кураш олиб борадиган соҳаларга йўналтирилади. Тикланиш қарзи ва пахтачилик учун кредит йилига 7 фоизли ставка ҳақини 20 йиллик муддатда тўлаш шарти билан берилди.

Жаҳон Банкнинг Европа ва Марка-зий Осиё мамлакатлари бўйича Департе-менти директори Юкон Хуанг фикрича, юқорида айтиб ўтилган лойиҳаларни амалга ошириш республикамизда иқти-содий ислохотларни қўллаб-қувватлаш дастурини кенгайтириш учун асос бўла-ди.

Жаҳон Банки нефть конларини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга доир лойи-ҳаларни энг кўп сармоя сарф қилинади-ган ва шу билан бирга эҳтимолий хори-жий инвесторлар энг жозибали лойиҳа-лар, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон ҳукума-тининг энергетика мустақиллигига эри-шишга қаратилган стратегияси нефть конларини интенсив разведка қилиш ва ишлаб чиқиш, нефть маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига бундай маҳсулотлар импортни қисқартиришни назарда тутди. Банк тўрт ишланмаларни лойиҳаси бўйича бажарди, уларни маблағ билан таъмин-лаш учун тайёргарлик ишлари олиб бо-рилмоқда. Лойиҳасининг умумий қийма-ти 600 млн. доллар бўлган кўкдумалоқ конини ишлаб чиқиш учун ташқаридан келтирилладиган инвестиция 200 млн. долларни ташкил этади. Лойиҳани маб-лағ билан таъминлаш иши АҚШ нинг Эксим-банки (60 млн.) ва Япониянинг Эксим-банки (140 млн.) орқали ташкил қилинмоқда. Лойиҳасининг умумий қи-ймати 400 млн. доллар бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши-нинг биринчи босқичини амалга оши-ришни маблағ билан таъминлаш юзаси-дан КОАС (Франция), АҚШ Эксим - банки билан музокара олиб боришмоқда. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қайта қуришни эса Япониянинг Эксим-банки ва Европа таъмирлаш ва тараққи-ёт банки маблағ билан таъминламоқчи. Шўртанг газ кони лойиҳасининг умумий қиймати 120 млн. доллар бўлиб, тай-ёргарликнинг дастлабки босқичи давом этаётир.

Жаҳон Банки Ўзбекистондаги исло-хотларнинг кучли дастурини қўллаб-қув-ватлаш ва ҳукумати билан фаол ҳамкор-лигини давом эттириш мақсадида кей-инги беш йил давомида 1 миллиард АҚШ долларигача бўлган миқдорда қарз бериш мажбуриятини зиммасига олиш ниятидадир. Шу йилнинг март ойида Па-рижда Ўзбекистон Республикаси бўйича бўлиб ўтган маслаҳат гуруҳининг йнгили-шида 18 мамлакат ва халқаро ташкилот вакиллари Ўзбекистон ҳукуматининг иқтисодий ислохотларни ўтказиш соҳа-сидаги саъий-ҳаракатларини астойдил қўллаб-қувватлашни билдирди ва рес-публикамизнинг инвестиция ҳамда тех-ник ёрдам борасидаги эҳтиёжларини му-ҳокама қилди. Дунёдаги энг йирик мам-лакатлар ва халқаро майдонда жуда обрўли молия ташкилотларини ҳам ўз ичига олган донорларнинг молиявий мажбуриятлари ҳозирдаёқ 900 млн. АҚШ долларидан ошиб кетди. Булардан 45 млн. долларни техник ёрдамга, 300 млн. долларни тўлов балансини қўллаб-қув-ватлашга ва қарийб 600 млн. долларни инвестиция ва экспорт юзасидан кредит-ларни маблағ билан таъминлаш учун йў-налтирилади.

Ирина БАРАНОВА,
“Деловой партнер” газетаси
муҳбири

ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАЛАРИДАН

ОЛМОНИЯ МАРКАЗИЙ БАНКИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

(Боши ўтган сонларда)

II. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ОЧИҚ БОЗОРДАГИ ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БИЛАН БАЖАРАДИГАН АМАЛЛАРИ

Олмония Марказий банкнинг мам-лакат пул муомаласига ва пул-кредит муносабатларига самарали таъсир кўр-сатиш курулларида бири - очик бо-зордаги қимматбаҳо қоғозлар бўйича олди-сотди амаллари бўлиб, иқтисодий адабиётларда улар очик бозор сиёсати, деб юритилади.

Марказий банк ушбу сиёсатни амал-га ошириш жараёнида очик бозорда қимматбаҳо қоғозларга талаб ва так-лифни бошқариш йўли билан, тижорат банклари фаолиятига ҳамда оқибат на-тижада, мамлакат пул муомаласига ва умуман, пул-кредит муносабатларига таъсир ўтказди.

Шуни қайд этиш керакки, Марказий банк ушбу сиёсатининг Марказий банк бошқа амалларидан асосий фарқи шун-даки, очик бозор сиёсати орқали Мар-казий банк мамлакат иқтисодиётидаги пул-кредит муносабатларига, қолаверса, тижорат банклари фаолиятига тезкор ва ўзгарувчан усуллар билан таъсир қила олади.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, молия-пул бозорларида сармояни ўзлаштириш учун имконият кенгайган вақтда Марказий банк тижо-рат банкларига ўзида мавжуд қиммат-баҳо қоғозларини пул учун фойдали даража ва нархларда харид қилиб олишни таклиф қилади. Тижорат банклари то-монидан ушбу қимматбаҳо қоғозлари-ни сотиб олиниши эса ўз навбатида, тижорат банкларининг кредитлаш маб-лағлари камайишига олиб келади, яъни тижорат банклари томонидан халқ хў-жалигини ва аҳолини кредитлаш чега-ралари қисқаради, оқибатда муомалада-ги пул массаси камаяди, унинг барқа-рорлиги мустаҳкамланади.

Аксинча, иқтисодий ривожланиш борасида пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилиш, хўжалик субъектларининг қўшимча маблағларига бўлган эҳти-ёжларини қондириш ҳамда умуман халқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш мақсадида, Мар-казий банк тижорат банкларидан мав-жуд қимматбаҳо қоғозларини пул учун қулай ва фойдали тарзда сотиб олади, натижада тижорат банкларининг кре-дитлаш имконияти кенгайиши билан бирга муомалада пул массасининг ҳаж-ми ортади.

Ҳаракатдаги қонунларга асосан, Олмония Марказий банки қимматбаҳо қоғозларнинг баъзи турлари билангина олди-сотди амалларини бажаради. Бун-дай қимматбаҳо қоғозларга ҳукумат-нинг хазина вексели, фоизсиз ҳукумат газна гувоҳномаси кабилар кирди.

III. МАРКАЗИЙ БАНК ТОМОНИДАН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МАЖБУРИЙ ЭҲТИЁЖ САРМОЯЛАРИГА Қўйиладиган талаблари Бўйича АМАЛЛАРИ

Олмония Марказий банки мамлакат пул муомаласини бошқаришда тижорат банклари фаолиятига таъсир қилишдан фойдаланар экан, бу борада, Марказий банк томонидан тижорат банкларининг мажбурий эҳтиёт сармоялари бўйича амаллари ҳам муҳим ўрин тутди. Мар-казий банкнинг пул муомаласига та-

ъсир қилиш учун олиб борадиган мажбурий сармоялар бўйича амалла-рини мажбурий сармоялар сиёсати, деб аташ мумкин.

Тижорат банклари фаолиятларини юритиш жараёнида маълум мажбури-ятларга, яъни четдан жалб қилинган маблағларга нисбатан мижозлар олди-да мажбуриятларга эга бўлиб боради-лар. Авваламбор, бундай мажбури-ятлар тижорат банкларида сақланаётган мижозларнинг жамғармалари бўйи-вужудга келади ва тижорат банклари улар асосида Марказий банкларда мажбурий эҳтиёт сармояларини сақла-йди. Ўз навбатида Марказий банк тижо-рат банклари сармояларининг сақ-ланишини назорат қилади ва уларни тартибга солиб боради.

Умуман олганда, тижорат банклари-нинг Марказий банкда сақлайдиган мажбурий эҳтиёт сармоялари тижорат банкларининг ликвидлиги (қисқа вақт ичида мажбуриятлари бажарили-ши)ни таъминлаш вазифасини ўтайди.

Мажбурий сармоялар тўғрисидаги Низомга кўра, Олмония тижорат бан-клари жамғармаларининг турлари бўй-ича қуйидаги чегара (норма)ларда мажбурий эҳтиёт сармояларига эга бў-лишлари, бошқача қилиб айтганда, Марказий банкларда сақланишлари шарт:

- муддатсиз (талаб қилингунгача) турдаги жамғармалар бўйича 30 фоизгача;

- муддатли жамғармалар бўйича 20 фоизгача;

- омонат жамғармалари бўйича 10 фоизгача;

Албатта, сармоялар учун ўрнатилган чегаралар тижорат банкларининг мо-лиявий ҳолатига таъсир қилиши, оқи-батда уларнинг даромадлари камай-ишига олиб келиши мумкинлиги учун ҳам, ушбу чегараларга қатъий риоя қилиш белгилаб қўйилмаган, яъни ҳар бир тижорат банки ўзининг молиявий аҳволдан, жорий ва узоқ муддатли ликвидлигидан келиб чиққан ҳолда, мажбурий эҳтиёт чегара (норма)сига эга бўлиши мумкин. Бун-дан ташқари, баъзи тижорат банклари, масалан, қурилиш жамгарма кассалари ушбу мажбурий эҳтиёт сармояларини сақлашдан бутунлай озод қилинган.

Олмония Марказий банки томони-дан амалга ошириладиган мажбурий сармоя сиёсатининг умумий пул му-омаласига таъсири қуйидагича кечади: агар Марказий банк томонидан ўрна-тилган мажбурий сармоялар чегара (норма)си юқори бўлса, тижорат бан-кларининг кредит маблағлари камай-иши юз беради, оқибатда, муомалада-ги пул массасининг ҳажми камаяди, миллий валюта қадри кўтарилишига (ҳар доим ҳам ижобий натижа бермас-лиги мумкин) олиб келади. Аксинча, сармоялар чегара (норма)си паст бўлса, тижорат банкларининг кредитлаш имкониятлари кенгайди, муомалада пул массаси кўпаяди.

Биз кўриб ўтган ушбу амаллар, албатта, Олмония Марказий банки то-монидан бажариладиган амалларнинг айримлари бўлиб, барчаси мамлакат-нинг барқарор пул муомаласини, бо-зор талабларига мос келувчи пул-кре-дит муносабатларини, мамлакат тижо-рат банкларининг барқарор фаолияти-ни таъминлашга қаратилган.

Абдуносир РАҲМОНОВ

ИТАЛИЯГА - ЎҚИШГА

Минтақавий банк тўғрисида мақаланинг аввалги қисмида Италия банк ҳодимлари тўғрисида мақаланинг бўлиб уч ҳафта ичида амалий тажриба ортқилиб келди. Тўғрисида мақалани - “Хорижий банк фаолиятини ўргатиш усулларини” деб аташ мумкин.

Мақалани бир йилдан ортироқ илг қилинган Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистондаги келган 1000 га яқин банк ҳодими тахсил қўриш ва қайта тайёргарликни ўтатишнинг натижаси бўлиб ўтайди. Мақалани ўқитишнинг хорижий таълимчилари Европа таълимнинг ва тарқатиётган ҳодимилик қилиди.

**“ХУСУСИЙ ШАХС УЧУН БАНК” МАРКАЗИЙ
БАНКНИНГ ЙЎРИҚНОМА ВА МЕЪЁРИЙ
ҲУЖЖАТЛАРИ**

**МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА ЎЗГАРТИШЛАР
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА
БИРЖАСИДА СЎМЛАРНИ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИГА
АЙИРБОШЛАШ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ЎТКАЗИШ
ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ
КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

45

1993 йил 26 июль

Ўзбекистон республикаси
Марказий банки
бошқаруви тасдиқлаган
(1993 йил 25 июлдаги
N 13 баённома)

ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИ БЎЙИЧА ҲИСОБ ВАРАҚЛАРИНИ ОЧИШ ВА ЮРИТИШ ТАРТИБИ

1. Норезидент ва резидент жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида чет эл валютаси бўйича жорий ҳисобварақлар очишлари мумкин.

2. Чет эл валютаси жорий ҳисобварақлар ва омонатлар икки турга бўлинади:

а) Жорий ҳисобварақлар ва омонатлар шартли равишда "А" тоифага киритилади. Улардаги чет эл валютасини чет элга эркин олиб чиқиш ва жўнатишга рухсат этилади;

б) бу турдаги жорий ҳисобварақлар ва омонатлар шартли равишда "Б" тоифага киритилади. Улардаги чет эл валютасини чет элга олиб чиқиш ва жўнатиш чеклаб қўйилади.

3. "А" ва "Б" тоифадаги жорий ҳисобварақлар ва омонатларнинг эгалари бу ҳисобварақлар бўйича ушбу Тартибда кўзда тутилган операцияларни шахсан ёки ўзлари ваколат берган шахслар орқали амалга оширишлари мумкин.

4. "А" тоифадаги жорий ҳисобварақлар қуйидаги шахслар учун очилади:

- чет эл фуқаролари;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги иммунитетдан ва бошқа дипломатик имтиёзлардан фойдаланувчи дипломатик, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналарнинг, чет эл ваколатхоналари, корхоналари, танкилот ва фирмаларининг ходимлари;

- чет эл фуқаролари, Ўзбекистон Республикасининг доимий чет элда яшовчи фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар (улар чет элда бўлган вақтида ҳам, Ўзбекистон Республикасида бўлган даврида ҳам);

- Ўзбекистонга доимий яшаш учун келган чет эл фуқаролари (репатриантлар, реэмигрантлар, иммигрантлар).

5. "А" тоифадаги ҳисобварақларга қуйидаги маблағлар киритилиши мумкин:

а) чет элдан ваколатли банк орқали ҳисобварақ эгаси номига ўтказилган чет эл валютаси;

б) ваколатли банклар тўлаши керак бўлган чет эл валютаси:

- чет элдан ҳисобварақ эгаси номига ваколатли банклар орқали жўнатишган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари бўйича;

- ҳисобварақ эгаси чет элдан олиб келган ва Ўзбекистон Республикасига киритилаётганда божхонада қайд этилган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари бўйича;

- божхона декларациясини тўлдириш талаб қилин-

майдиган ҳолларда Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётганда божхонада қайд этилмаган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари бўйича;

- Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётганда божхонада қайд этилмаган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлдан-қўлга ўтгани ёзиб қўйилмаган, банкка тақдим этилган чет эл валютасидаги эгаси ёзилган тўлов ҳужжатлари бўйича;

- ваколатли банкларнинг рухсатига кўра чет эл валютасида ёзиб берилган бошқа тўлов ҳужжатлари бўйича;

в) нақд чет эл валютаси:

- ҳисобварақ эгаси Ўзбекистон Республикасига олиб кираётганда божхонада қайд этилган ёки қимматли пакет кўринишида ҳисобварақ эгаси учун ваколатли банк номига жўнатишган, шунингдек, илгари ваколатли банкнинг тегишли маълумотномаси асосида "А" тоифадаги ҳисобварақдан берилган бўлса;

- ваколатли банкнинг рухсатига кўра божхона декларацияси тўлдирилиши талаб этилмайдиган ҳолларда Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган маҳал божхонада қайд этилмаган бўлса;

- белгиланган тартибда ҳисобварақ эгаси номига почта жўнатмаси кўринишида чет элдан юборилган бўлса;

г) чет элга олиб чиқиб кетиш ва жўнатишга рухсат этилган суммалар;

д) амалдаги қонунларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ўтказилган бошқа суммалар.

6. "А" тоифа ҳисобварақларидаги суммалар ҳисобварақ эгасининг топишириғига кўра:

а) банкда қабул қилинган шаклда (банк жўнатмаси, аккредитив, чек ва бошқалар) чет элга жўнатилиши;

б) агар резидентлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг республика ҳудудида чет эл валютасида чакана савдо юритиш ва хизмат кўрсатиш (ишлар бажариш) учун рухсатномасини олган бўлсалар, уларга товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўлаш мақсадида ўтказилиши;

в) чет эл валютасида бошқа ваколатли банкларга ўтказилиши;

г) бошқа шахснинг "А" тоифадаги ҳисобварағига ўтказилиши;

д) Ўзбекистон Республикасидан кетиш учун ҳужжатлар кўрсатилган ҳолларда чет элга олиб кетишдаги жорий харажатлар учун нақд чет эл валютаси тўланиши;

е) республика ҳудудида сўм бўйича (Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида) тўланиши ёки ўтказилиши;

ж) амалдаги қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган қатор мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

7. "Б" тоифадаги жорий ҳисобварақлар Ўзбекистон Республикасининг республикада доимий яшайдиган фуқароларига ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга (шу жумладан вақтинча чет элда яшаётганларга) очилади.

8. "Б" тоифадаги ҳисобвараққа қуйидагилар киритилиши мумкин:

а) ваколатли банклар тўлаши керак бўлган чет эл валютаси:

- ҳисобварақ эгаси номига чет элдан келган жўнатмалар бўйича;

- ваколатли банк орқали ҳисобварақ эгаси номига чет элдан юборилган тўлов ҳужжатлари бўйича ёки унинг ўзи чет элдан олиб келган ва Ўзбекистон Республикасига кираётгани маҳал божхонада қайд этилган шундай ҳужжатлар бўйича;

- Ўзбекистон Республикасига кираётган маҳал божхонада қайд этилиши талаб қилинмайдиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлдан-қўлга ўтганлиги ёзиб қўйилмаган, эгасининг номи ёзилган тўлов ҳужжатлари бўйича;

б) ҳисобварақ эгасига резидент юридик шахсларнинг топшириғи асосида ўтказилган чет эл валютаси, шу жумладан чет эл валютасидаги иш ҳақи ва бошқа тўловлар суммалари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган тартибда;

в) белгиланган тартибда ҳисобварақ эгаси номига чет элдан почта жўнатмаси кўринишида юборилган нақд чет эл валютаси;

г) ҳисобварақ эгаси Ўзбекистон республикасига олиб келган ва Ўзбекистон Республикасига олиб кираётган маҳал божхонада қайд этилган нақд чет эл валютаси, шунингдек Ўзбекистон Республикасида қонуний олинган нақд чет эл валютаси;

е) амалдаги қонунларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ўтказилган бошқа суммалар.

9. "Б" тоифадаги ҳисобварақлар эгалари ўз ҳисобварақларидаги маблағларни "А" тоифадаги ҳисобварақлар эгаларига ўтказишлари мумкин эмас.

10. "Б" тоифа ҳисобварақларидаги суммалар ҳисобварақ эгасининг топшириғига биноан:

а) ҳисобварақ эгаси ёки унинг оила аъзолари чет элга жўнаб кетган ҳолларда, улар Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетаётганларини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатсалар, ҳисобварақдаги маблағлар қолдиғи доирасида чет элга ҳисобварақ эгаси номига ўтказилиши ёки чет элга олиб чиқиб кетилиши учун нақд чет эл валютаси билан (чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари билан) тўланиши;

б) Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетилаётганини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатмасдан республика ҳудудида сотиш учун нақд чет эл валютасида (нақд чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари) билан тўланиши мумкин.

Маблағлар ваколатли банклар муассасаларининг валюта кассаларида қанча борлиғига қараб тўланади. Бундай ҳолларда чет эл валютасини республикадан олиб чиқиб кетишга рухсатнома берилмайди;

в) агар резидентлар Ўзбекистон Республикаси Марка-

зий банкининг республика ҳудудида чет эл валютаси бўйича чакана савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) учун рухсатномасини олган бўлсалар, уларга товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўлаш мақсадида ўтказилиши;

г) чет эл валютасида бошқа ваколатли банкларга ўтказилиши;

д) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўм бўйича (Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида) тўланиши ёки ўтказилиши;

е) амалдаги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган қатор мақсадлар бўйича фойдаланилиши мумкин.

11. Фуқаролар "А" ва "Б" тоифадаги ҳисобварақлар очинлари учун белгиланган шаклда ариза (1-илова) тақдим этадилар. Аризага бош бухгалтер имзо чекади, ваколатли банк раҳбари эса кўриб чиқиб, ҳисобварақ очини учун рухсат беради.

Ҳисобварақ юритиладиган бўлим бош бухгалтери ёки бошлиғи ҳисобварақ очинга рухсат берилган аризани олгач, ҳисобварақни мижозга тасарруф этиш ҳуқуқига эга шахслар имзолари намуналарини расмийлаштириш учун мижозга икки нусхада варақча (2-илова) беради, улар тўғри тўлдирилганини текширади. Варақчанинг орқа томонига бош бухгалтер (бўлим бошлиғи) ҳисобварақ эгаси паспортининг ёки паспорт ўрнига ўтадиган бошқа ҳужжатнинг реквизитларини (фамилияси, исми, отасининг исми, ҳужжат рақами ва ҳужжат берилган сана, ҳужжат берган муассаса номи) ёзиб қўяди ҳамда бу маълумотларни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Имзолар намуналари қўйилган варақчадаги "фуқаро _____ менинг ҳузуримда имзо чекди", деган ёзувни бош бухгалтер (бўлим бошлиғи) ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Чет элдаги шахсларга имзолар намуналари расмийлаштириладиган варақчалар ва аризалар илова хати билан бирга жўнатилади. Бу хатда юборилаётган ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тушунтирилади.

Чет элдаги шахслар имзоларининг намуналарини нотариус ёки ваколатли банк вакили ёки Ўзбекистон Республикаси элчихонаси тасдиқлаши мумкин. Агар ишончнома олган шахснинг аризасига кўра ҳисобварақ очилаётган бўлса, имзолар намуналари варақчаси ваколатли банк муассасасига тақдим этилади ва ариза билан бирга сақланади.

"А" ва "Б" тоифа ҳисобварақлари очилиши чет эл валютасидаги ҳисобварақларни рўйхатга олиш дафтарида қайд этилади.

12. "А" ва "Б" тоифа ҳисобварақлари ундаги маблағларга эгалик қилиш ҳуқуқи мерос сифатида ёки ҳисобварақ эгасининг ўзи вафот этган тақдирда кучга кирадиган топшириғига биноан, шунингдек, алимент ундириш тўғрисидаги даъво юзасидан (агар ҳисобварақ эгасининг иш ҳақи ёки пул ундириб олишига лойиқ бошқа мулки бўлмаса) ёхуд эр-хотинларнинг умумий мулки бўлган омонатни бўлиш ҳақидаги суд қарорига биноан олган шахслар номига қайта расмийлаштириш чоғи шундай ҳисобварақ очини ҳуқуқига эга шахслар учун ҳисобварақнинг тегишли тоифаси сақланиб қолади.

13. Нақд чет эл валютаси "Б" тоифа ҳисобварақига қўйилаётганда божхона декларацияси кўрсатилмаган бўлса, ҳисобварақ эгаси бу маблағларни уч ой давомида чет

элга олиб кетиши ёки ўтказиши мумкин эмас. Ҳисобварақ эгаси уч ой мобайнида бу маблағлардан фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиши мумкин.

14. Чет эл валютасидаги ҳисобварақларни очганлик учун воситачилик ҳақи ундириш, ҳисобварақлар бўйича фоизлар ёзиш чоғида ваколатли банкларнинг раҳбарлари тасдиқлаган тарифларга амал қилинади.

Ушбу тартиб, шунингдек, Ваколатли банклар норезидент юридик шахсларнинг чет эл валютаси билан боғлиқ ҳисобварақларни очиши ва юритиши тартиби собиқ

СССР Давлат банкнинг 1979 йил 2 июлдаги "СССР Давлат банки муассасаларида чет эл валютасидаги "А", "Б" ва "Д" тоифа жорий ҳисобварақлари ҳамда омонатларини очиш ва юритиш тартиби тўғрисида"ги N 205 хати ҳамда СССР Ташқи иқтисодиёт банкнинг 1991 йил 26 декабрдаги "А", "Б" ва "Д" тоифа жорий ҳисобварақлари тартиби тўғрисида"ги N 155 буйруғи ўз кучини йўқотади.

Бошқарув раисининг муовини
А.Х.ЭРДОНАЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкнинг
1994 йил 21 февралдаги
N 64 хати

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
бошқаруви 1994 йил 21 февралда
ТАСДИҚЛАГАН
N 5 баённома

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 1993 ЙИЛ 26 ИЮЛДАГИ "ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҲИСОВВАРАҚЛАРИНИ ОЧИШИ ВА ЮРИТИШИ ТАРТИБИ" ТЎҒРИСИДАГИ N 45 ХАТИГА ҚЎШИМЧА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги "Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк муҳофаза этилишини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ "Ваколатли банклар жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақларини очиши ва юритиши тартиби"га (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1993 йил 26 июлдаги хати) қуйидаги ўзгаришлар киритилади:

1. 5-банднинг "в" кичик банди (иккинчи абзац)даги "ваколатли банкнинг рухсатига кўра" сўзлари олиб ташлансин.

2. 6-банднинг "д" кичик бандидаги "Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш учун ҳужжатлар кўрсатилган ҳолларда" сўзлари олиб ташлансин.

3. 10-банднинг "а" кичик бандидаги "улар Ўзбекис-

тон Республикасидан чиқиб кетаётганларини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатсалар," сўзлари олиб ташлансин.

4. 10-банднинг "б" кичик бандидаги "Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетилаётганини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатмасдан" сўзлари ва "Бундай ҳолларда чет эл валютасини республикадан олиб кетишга рухсатнома берилмайди" деган гап олиб ташлансин.

5. 13-банд олиб ташлансин.

6. 14-банд қуйидаги таҳрир билан баён этилсин: "13. Чет эл валютасидаги ҳисобварақларни очганлик учун воситачилик ҳақи ундириш, ҳисобварақлар бўйича фоизлар ёзиш чоғида халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрларга мувофиқ ваколатли банкларнинг раҳбарлари тасдиқлаган тарифларга амал қилинади".

Бошқарув раисининг муовини
А.Х.ЭРДОНАЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

65

1994 йил 15 апрель

ТАСДИҚЛАНГАН
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви
(1994 йил 15 апрелдаги
N 9 Баённома)

БАРЧА БАНКЛАРГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИГА МИЛЛИЙ ВА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАЛАРИДА КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик муҳофаза этилишини таъминлаш ва тadbиркорликни ривожлантириш чора-tadbirlari tўғрисида”ги Фармониға мувофиқ банклар ўзларига тегишли ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан фуқароларга миллий ва чет эл валюталари бўйича кредит бермоқдалар.

Банкнинг ўзига тегишли ва жалб этилган маблағлари ҳисобидан миллий ва чет эл валюталари бўйича кредит беришнинг тартиби белгиланган.

Фуқароларга миллий ва чет эл валюталарида кредит беришнинг тартиби қуйидагича:

1. Ўзбекистон Республикасининг ички бозорни тўлдириш учун товарлар олиб келинишини таъминлайдиган, банк муассасаларидан бирида ҳисобварағи бўлган фуқаролар миллий ва чет эл валюталари бўйича кредитлар олиш ҳуқуқига эга.

2. Фуқаролар ҳисобварақ очиш учун ариза ҳамда имзолар намуналари қўйилиб, нотариус тасдиқлаган ва рақча тақдим этадилар.

3. Кредитлар берилаётганда:

3.1. Олтин, қимматбаҳо металллар ва тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари, товар-моддий бойликлар, бинолар, иншоотлар, квартиралар, уйлар, дала-ҳовлилар, транспорт воситалари, техника ҳамда қарз олувчининг хусусий мулки ҳисобланган ва қонунга кўра сотиб, қарз эвазига пул ундириб олиниши мумкин саналган бошқа мулклар гаровга олинади.

“Гаровға қўйилиши мумкин бўлмаган корхоналар ва мулклар рўйхати” (Марказий банкнинг 1994 йил 8 февралдаги N 3-94 хати) га киритилган мулклар гаровға олиниши мумкин эмас.

Кредит ва унинг фоизлари суммаси гаровға қўйилган мулк қийматининг 80 фоизидан ошмаслиги лозим.

Миллий ва чет эл валюталарида бериладиган кредитлар бўйича гаров қиймати тегишлича миллий валюта ва АҚШ доллари ҳисобида баҳоланади.

Гаровни расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1993 йил 8 февралдаги N 19 хатига асосланилади ва гаров шартномаси Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги N50 қарорига асосан тасдиқланган гаров ҳақидаги шартномаларни рўйхатга олиш тўғрисида муваққат низомға мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилади.

3.2. Республикамиз юридик шахслари бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги қонунларға мувофиқ хўжалик ва бошқа тижорат фаолияти

билан шуғулланаётган чет эл корхоналари, ташкилотлари, компаниялари, фирмалари, қўшма корхоналар, уларнинг шўба корхоналари ва филиаллари кафолати талаб қилинади. Кафолат берувчиларнинг молиявий аҳволи барқарор бўлиши шарт.

Кафолатлар банк амалиётида қабул қилинган шартларда берилади.

Бу кафолатларнинг етарлилик даражасини банк муассасалари белгилайди.

Бундан ташқари кредит қайтарилмаслиги хатаридан сўралаётган бутун кредит суммасига сугурта қилингани тўғрисидаги гувоҳнома кўрсатилганида ҳам кредит берилиши мумкин.

4. Фуқаролар, кредит олиш учун ўз ҳисобварақлари очилган банк муассасасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

а) қарз сўраб ёзилган ариза. Унда жисмоний шахслар паспорт билан солиштириладиган маълумотлар (рақам, серия, ким томонидан ва қачон берилгани, турар жойи) кўрсатилиши шарт;

б) нотариус тасдиқлаган гаров мажбуриятномаси ёки кафил банк берган унинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотномаси илова этган кафолат хати.

5. Фуқароларға кредит бериш тўғрисидаги қарорни банк муассасасининг раҳбари ёки унинг муовини қабул қилади.

Банк муассаси тақдим этилган ҳужжатларни уч иш куни мобайнида текшириши керак. Шундан сўнг банк кредит шартномаси тузиб, миждан қарзни узиш тўғрисида мажбуриятнома олади ёки кредит беришдан бош тортишнинг асосли сабабларини кўрсатиб, ҳужжатларини қайтариб беради.

6. Кредит қарз олувчининг хоҳишиға кўра нақд ёки нақдсиз тартибда кўпи билан бир йил муддатға берилади.

7. Кредитдан фойдаланганлиги учун банк муассасаси ундан тегишли валюта бўйича кредит шартномасида белгиланган ҳажм ва тартибда фоизлар ундиради.

8. Кредит ва унинг фоизларини қарз олувчи кредит шартномасида кўзда тутилган тартибда, хоҳ нақд пул билан, хоҳ ўзининг тўлов топшириқномасиға кўра пул ўтказиш йўли билан қайтаради.

9. Банк белгиланган муддат тутаганидан сўнг банкнинг гаров ҳуқуқи ёки кафолатға доир ҳуқуқи кучға киради.

10. Қарз олувчи вафот этган тақдирда кредитни узишға доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг ворисларига ўтади. Қарз олувчи номиға очилган қарз ҳисобварақлари ворис номиға қайта расмийлаштирилиши керак. Ворис қонуний асосда меросхўрлик ҳуқуқини олгач, қарз олув-

чи вафот этган вақтдан бошлаб, олти ой ичида банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ҳисобварақни ўз номига қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза;

- меросхўрлик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариус тасдиқлаган нусхаси ҳамда имзо намуналари қўйилиб, нотариус тасдиқлаган варақча;

- кафилнинг кафолат юзасидан мажбуриятларни бундан буён ҳам бажаришга ёзма розиликномаси ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги N50 қарори 15-бандига мувофиқ унинг номига қайта расмийлаштирилган гаров шартномаси рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳнома.

Юқорида айтилган муддат давомида қарзни қайтариш талаб қилинмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

N66

1994 йил 15 апрель

ТАСДИҚЛАНГАН
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви
(1994 йил 15 апрелдаги
N 9 Баённома)

ХУСУСИЙ МУЛҚДОРЛАР АМАЛГА ОШИРАЁТГАН САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҶА ИНШООТЛАРИ ҚУРИЛИШНИ КРЕДИТЛАШ ҚОИДАЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги "Иқтисодий исхлоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик муҳофаза этилишини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ банк муассасалари хусусий мулкчилик асосида амалга оширилаётган савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилиши учун кредитлар бермоқда.

Кредитлар қурилиш қилаётган жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда - қарз олувчи) яшаб турган (прописка қилинган) жойдан, шартнома асосида, кўчмас мулкни гаровга олиб берилади. Кредит шартномаси бутун кредит суммасига расмийлаштирилади, қарздан фойдаланиш муддати бўйича тузилади ва банк раҳбари ҳамда қарз олувчи томонидан расмийлаштирилади.

Шартномада қўйидагилар кўрсатилади: шартномада иштирок этувчи томонлар, уларнинг мақоми, кредит мақсади ва сумма миқдори, уни бериш ва узини шартлари, қарз олувчининг кредит қайтарилишини таъминлашга доир мажбуриятлари (гаров), кредит учун фоиз ставкаси миқдори, асосий қарзни ва кредит фоизларини тўлаш тартиби, қарз олувчининг ва банкнинг кредитлаш жараёнидаги вазифалари, шартномада иштирок этувчи томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки қисман бажарганлиги учун қўлланиладиган жазо чоралари.

Қурилишни бир гуруҳ шахслар олиб бораётган бўлса, қарз ишонч билдирилган бир шахс номига расмийлаштирилади. Унга нотариус тасдиқлаган қурилишнинг бошқа иштирокчиларининг ишончнома-кафолатлари берилади. Бу ҳужжатда ушбу битимнинг барча иштирок-

Юқорида айтилган ҳужжатлар олти ой муддат ичида тақдим этилмаган тақдирда қарз ҳисобварағи ва кредитни қайтариш мажбуриятномаси ворис номига қайта расмийлаштирилмайди, қарз ва унинг фоизлари эса банк томонидан ундириб олинади.

11. Кредитлаш жараёнида банк қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларига амал қилинишини назорат қилиб боради.

Ушбу хат эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1994 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет эл валютасида кредит бериш тартиби" тўғрисидаги N 63 хати ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Бошқарув раисининг муовини
Ў.У.НИҒМАТОВ

чилари қарздан ўринли фойдаланилиши, у сарфланиб, ўз вақтида қайтарилиши учун ўзларининг барча шахсий мулклари билан тенг ва тўла жавобгар эканликлари қайд этилади.

Кредит олиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- кредит беришни сўраб ёзилган ариза;
- қурилиш учун ер ажратилганини тасдиқловчи ҳужжат;
- Давлат меъморчилик ташкилотларининг рухсатномаси;
- қурилиш сметаси;

Қурилиш учун кредит барпо этилаётган иншоотнинг сметаси қиймати доирасида, лекин гаровга қўйилган мулк қийматининг 80 фоизидан ошмайдиган миқдорида, уч йил муддатга, кредит олинганидан кейинги иккинчи йилдан эътиборан уза бошлаш шарти билан берилади.

Кредитлар бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўлов ҳужжатлари ҳақини қарз ҳисобварағидан пул ўтказиш йўли билан тўлаш, шунингдек нақд пул бериш орқали берилади.

Мулк ва унга бўлган ҳуқуқлар гаровга қўйилиши тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги N 50 қарори билан тасдиқланган "Гаров шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида муваққат низом"га мувофиқ Адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Гаровга қўйилган мулкнинг мавжудлигини гаровга олувчи ҳужжатлар бўйича кўздан кечириб, текширишга, унинг ҳажми, ҳолати ва сақланиш шароитини аниқ-

лашга ҳақли.

Агар қурилиш муддатида битмаган бўлса ва қарздор иқтисодий жиҳатдан фойизлар тўлаш ва қарзни узишга қодир бўлса, мулкни қайтадан гаровга қўйиб, қўшимча кредит олиниши мумкин.

Қарз ўз вақтида тўланмаган тақдирда банк талаби гаровга қўйилган мулк ҳисобидан қондирилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ гаровга қўйилган мулк суғурта қилиниши шарт. Гаровга қўйилаётган мулкни гаровга қўювчи суғурта қилдиради.

Мулк нобуд бўлган, шикастланган ҳолларда ёки қарз олувчи жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда банкка суғурта пули тўланади. Қарз олувчи ноўрин фойдаланган қарзни банк шартномада белгилаб, оширилган фойизларни қўшиб муддатидан олдин ундириб олади. Бундай ҳолларда қарзнинг узилмаган қисм муддати ўтган қарзлар ҳисобварағига ўтказилади ва қарз олувчининг ҳисобварағига маблағ тушгани сайин узиб борилади.

Бошқарув раисининг муовини
Ў.У.НИҒМАТОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ТАСДИҚЛАГАН
(1994 йил 15 апрелдаги N9 баённома)

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ УЧУН РУХСАТНОМАЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ

Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 апрелдаги "Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва "Сўм-купон"нинг харид қобилиятини оширишга доир шошилинч чора-тадбирлар тўғрисида"ги N195 қарорига мувофиқ ишлаб чиқилди.

1. Жисмоний шахслар Марказий банкнинг рухсатномасини олган, ҳамда шундай фаолият билан шуғулланишнинг мажбурий шартларига амал қилганлари тақдирда, валюта айирбошлаш билан шуғулланишлари мумкин.

2. Валюта айирбошлаш операциялари билан республика ҳудудида доимий яшовчи фуқаролар шуғулланишга ҳақлидирлар. Бунда улар "Айирбошлаш пункти ҳақида низом"га мувофиқ айирбошлаш пунктини ташкил этиш учун тегишли бино, маблағ ва ускуналарга эга бўлишлари лозим.

3. Рухсатнома олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- лицензия (рухсатнома) берилиши тўғрисида ёзма ариза. Аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак: паспорт маълумотлари ва аризачи прописка қилинган манзил,

шунингдек айирбошлаш пункти жойлашган манзил ҳамда айирбошлаш пункти ишини ташкил этиш учун зарур техник воситалар мавжудлиги;

- ваколатли банкнинг айирбошлаш пунктига хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузишга розилиги ҳақидаги хати.

4. Фуқароларнинг аризалари 10 кун мобайнида Марказий банк томонидан кўриб чиқилади ва шундан сўнг аризачига валюта айирбошлаш операциялари билан шуғулланиш учун рухсатнома берилади ёки ариза рад этилиб, бунинг асосли сабаби кўрсатилади.

5. Рухсатнома беришдан олдин Марказий банк ходимлари айирбошлаш пунктининг аризада кўрсатилган манзилга бориб, у белгиланган талабларга қанчалик мос келишини текширишлари мумкин.

Марказий банк рухсатнома шартларига амал қилинаётган даврда ҳам айирбошлаш пунктининг фаолиятини текшириб туришга ҳақли.

6. Қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари бузилгани аниқланган ҳолларда рухсатнома бекор қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

N37

1993 йил 22 июнь

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқаруви
тасдиқлаган

(1993 йил 22 июндаги N 11 баённома)

РЕЗИДЕНТ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА БЎЙИЧА ҲИСОБВАРАҚЛАР ОЧИШЛАРИ ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ жисмоний шахслар резидент чет эллик пайтларида ўша ердаги чет эл валютаси бўйича ҳисобварақлар ва омонатлар очишлари, уларда ўз валюта маблағларини сақлашлари мумкин,

бошқа ҳолларда эса бунга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган тартибда рухсат этилади.

2. Жисмоний шахс Резидентлар чет эл валютасида ҳисобварақлар ва омонатлар очишлари ҳамда уларда валюта маблағларини сақлашлари учун Ўзбекистон Респуб-

ликаси Марказий банкдан рухсатнома. (Резидентлар чет элда бўлган вақтларида вақтинча ҳисобварақ очишлари бундан мустасно) олишлари зарур. Чет элда бўлиш муддати тугаганидан сўнг резидентлар чет эл банкларидаги ўз ҳисобварақларини ёпишлари ва улардаги маблағлар қолдиқларини Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида ўтказишлари ёки чет элда олинган барча валюта бойликларини божхона қоидаларига риоя этган ҳолда республикага олиб келишлари шарт.

3. Жисмоний шахс резидентлар чет элда ҳисобварақ очишга рухсатнома олиш учун тегишли илтимоснома тақдим этадилар. Бу илтимосномада қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

а) ҳисобварақ очилишидан мақсад ва унда қандай операциялар бажариш мўлжалланаётгани;

б) ҳисобварақ очиш мўлжалланаётган хорижий давлат ва банк муассасасининг номи, чет эл валюталарининг турлари;

в) чет элдаги ҳисобварақда сақлаш мўлжалланаётган валюта маблағлар манбалари;

г) ҳисобварақ амал қиладиган муддат;

д) аризачининг паспорт маълумотлари.

4. Аризачиларнинг Ўзбекистон Республикаси ваколат-

ли банкларидаги ҳисобварақларида сақланаётган валюта маблағлари чет элда очилаётган янги ҳисобварақларга ўтказилиши учун тегишли ваколатли банкларнинг розилигини олиш зарур.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки зарурат бўлса, аризачилардан чет элда ҳисобварақ очишга рухсатнома бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки аризачилар қонунни бузганлиги аниқланган ҳолларда чет элда ҳисобварақлар очиш учун берган рухсатномани бекор қилишга ҳақли.

7. Резидент Юридик шахс хорижда чет эл валютаси бўйича ҳисобварақлар очилганларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1993 йил 20 январда тасдиқлаган "Корхона (ташкilot)ларга чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартиби"га амал қилишлари шарт. (Марказий банк бошқармаларига ва ваколатли банкларга 1993 йил 21 январдаги N1318/61 хат билан маълум қилинган).

Бошқарув раисининг муовини
А.Х. ЭРДОНАЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
N144
1995 йил 3 июль

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқаруви
1995 йил 3 июлда тасдиқлаган
(N 17 баённома)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ВАЛЮТАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Миллий валютасининг ички конвертацияланишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги N VII-1193 Фармони матнига амал қилиш ва ижро этиш учун ушбуни маълум қиламиз:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Миллий валютасининг ички конвертацияланишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги N VII-1193 Фармонини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валютани тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатларига қуйидагича ўзгартишлар киритилади:

1. 1993 йил 26 июлдаги "Корхона ва ташкilotларга чет эл валютасида кредит бериш тартиби" тўғрисидаги N46 хатнинг илгари корхона ва ташкilotларга эркин айирбошланадиган валютага берилган кредитларни қайтариш тартибини белгилаш билан боғлиқ қисми ўз кучида қолади.

2. 1995 йил 1 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида валюта операциялари ўтказиш қоидалари" тўғрисидаги N119 хатда:

- 4-банд (а, 5) қуйидаги абзац билан тўлдирилади: "Валюта савдолари ўтказиладиган вақт орасидаги даврда сўмнинг чет эл валюталарига нисбатан расмий курси

Марказий банк белгилаган тартибда қўйилади";

- 9-банд (а) қуйидаги тахрирда баён этилсин: ваколатли банклар Марказий банкдан олган рухсатномалари шартларига мувофиқ ҳамда улар учун Марказий банк белгилаган валюта таваккалининг (очиқ валюта позициясининг) энг юқори ҳажмларига риоя этиб чет эл валютасини сотишлари, сотиб олишлари ёки бошқа бирон йўл билан харид қилишлари мумкин".

3. Чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операциялари ўтказиладиганида илгари чиқарилган меъёрий ҳужжатлардан ташқари Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг 1995 йил 29 июндаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон республика валюта биржасида сўмларни чет эл валютасига айирбошлаш операцияларини ўтказиш тартиби (регламенти)"га ҳам амал қилиниши зарур.

4. "Сўмларни эркин айирбошланадиган валютага шопилинч алмаштириш операцияларини ўтказиш ва шундай ҳуқуқ берувчи ҳужжатлар ҳисобини юритиш тартиби" тўғрисидаги 1994 йил 1 декабрда ёзилган N93 хат, 1995 йил 3 январдаги N1316/8 ҳамда 1995 йил 24 февралдаги N1316/636 телеграммалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Бошқарув раисининг муовини
М.А. АСҚАРОВ

1995 йил 29 июнь
Республика пул-кредит сиёсати
комиссиясининг қарори
билан тасдиқланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИДА СЎМЛАРНИ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИГА АЙИРБОШЛАШ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)

Умумий қоидалар

Ушбу Тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички конвертацияланишини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 1995 йил 27 июнь фармони билан бажариш мақсадида ишлаб чиқилди. Бу Тартибда Ўзбекистон Республика валюта биржасида (кейинги ўринларда - “валюта биржаси”) чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш, операцияларини ўтказиш тартиби ҳамда корхона ва ташкилотларни ваколатли банклар орқали валюта биржасидаги савдоларга киритиш шартлари белгилаб берилган.

1. Валюта биржасида чет эл валютаси савдоларини ўтказишдан мақсад Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари (кейинги ўринларда - “корхоналар”) учун валюта ресурсларидан кенг фойдаланишга йўл очиб беришдир.

2. Сўмларни чет эл валютасига айирбошлаш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва валюта биржасининг Уставига мувофиқ амалга оширилади.

3. Валюта биржаси савдоларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда валюта биржасининг аъзолари бўлган ваколатли банклар (кейинги ўринларда - “савдо иштирокчилари”) қатнашиш ҳуқуқига эга. Валюта биржасига аъзо бўлмаган ваколатли банклар операцияларни савдо иштирокчилари орқали амалга оширишлари мумкин.

4. Савдо иштирокчилари операцияларни мижозларнинг топишига биноан, шунингдек ўз маблағлари ҳисобидан ўз вакиллари (дилерлар) орқали амалга оширишлари мумкин.

5. Бажарилган операциялар юзасидан ҳисоб-китоб қилиш учун валюта биржаси Марказий банк Тошкент шаҳар бошқармасининг Ҳисоб-китоб-касса марказидаги ўз махсус ҳисобварағида иштирокчилар учун илова ҳисобварақлар очали.

Корхоналарни савдога киритиш шартлари

6. Корхоналар ваколатли банклар орқали валюта биржасида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операцияларини бажаришларига рухсат этиш учун қуйидаги шартларга амал қилиниши мажбурийдир:

корхона Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтганлиги ҳамда унинг жорий валюта ҳисобварағи бўлиши;

чет эллик шериклар билан битимлар тузилганлиги, шунингдек ваколатли банкнинг экспертиза хулосаси бўлиши;

чет эл валютасини сотиб олиш учун зарур сўмдаги ўз маблағлари олдиндан тегишли ҳисобвараққа қўйилиши; корхоналарнинг бюджетта ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар юзасидан қарзлари, маҳсулот етказиб берувчилардан ҳамда банкдан тўлаш муддати узайтирилган қарзлари бўлмаслиги.

7. Чет эл сармояси иштирокидаги қўшма корхоналар, қуйидаги жисмоний ва юридик шахслар валюта биржасида операциялар ўтказишда имтиёзли ҳуқуққа эгадилар:

7.1. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган, шунингдек бу моллар билан республика ички бозорини тўлдирётганлар;

7.2. Экспорт учун, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг марказлаштирилган экспорт рўйхатига киритилган маҳсулот ва товарларни ишлаб чиқараётганлар;

7.3. Чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг белгиланган тартибда Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган фойда ва даромадларининг бир қисmini чет эллик инвесторларга юборадиганлар;

7.4. Республика иқтисодиётининг базавий ва етакчи тармоқларида устун лойиҳаларни амалга оширишда қатнашаётганлар;

7.5. Ҳукумат қарорига кўра ёки унинг кафолати билан эркин айирбошланадиган валютага олинган кредитлар (шу жумладан, лизинг кредитлари) қайтарилишини таъминлаётганлар;

7.6. Сўмларни эркин муомаладаги валютага алмаштириш имтиёзли ҳуқуқи учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан патент олганлар.

8. Бюджет ташкилотлари тегишли йил учун тасдиқланган республика бюджетида сарфлаш кўзда тутилган сўм маблағлари бўлсагина савдога киритилади. Бунда ушбу маблағлар қандай мақсадларда сарфланиши кўрсатилиши керак.

Сўмни айирбошлаш учун буюртмалар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби

9. Савдода иштирок этиш учун ушбу тартибнинг 7-бандида кўрсатилган корхоналар ваколатли банкка чет эл валютаси сотиб олиш учун буюртманома берадилар. Унга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

7.1, 7.2 ва 7.4-бандларда кўрсатилган корхоналар учун - чет эллик шериклар билан тузилган битимлар;

7.5.-бандда кўрсатилган корхоналар учун - кредит шартномалари;

хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг мазкур корхона ҳисоб-китоб варағида бўш маблағлар борлиги ёки унга аниқ мақсадли кредитлар берилгани тўғрисидаги маълумотномаси;

зарурага кўра, чет эл валютасини биринчи навбатда сотиб олиш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳужжатлар.

10. Юридик шахс мақомини олмасдан ҳўжалик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар буюртманома билан бирга битимларни ҳамда хизмат кўрсатувчи тижорат банки муассасасининг шахсий ҳисобварақларида бўш маблағлар борлиги тўғрисида берган маълумотномани тақдим этадилар.

11. Фойда ва дивидендларнинг чет эллик иштирокчиларга тегишли қисмини ўзларига жўнатиш мақсадида маблағларни айирбошлаш учун чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ваколатли банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1-иловада кўрсатилган шаклда чет эл валютасини сотиб олиш учун буюртманома;

корхона уставига мувофиқ тасдиқланган фойдани тақсимлаш тўғрисидаги ҳужжат ёки ҳиссдорлар умумий йиғилишининг фойдани тақсимлаш ҳақидаги қарори (бу ҳужжатларни солиқ идораси тасдиқлаган бўлиши лозим).

12. 7.6.-бандда кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг патентларини олган корхоналар сўмини айирбошлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 ноябрдаги 566 ва 1995 йил 23 мартдаги 94-сонли қарорларида белгиланган тартибга амал қиладилар.

13. Корхоналар айирбошлаш учун буюртманома билан бирга ваколатли банкка сўмдаги маблағларни депозитга қўйиш тўғрисида топишириқномалар берадилар. Сўмдаги маблағларни депонентлаш ҳақида топишириқномани қабул қилган банклар бу маблағлар валюта биржасининг махсус ҳисобварағига ўтказилишини таъминлайдилар.

14. Ваколатли банклар чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш учун буюртманомалар қабул қилаётганларида мижозлар тақдим этган ҳужжатларни ҳамда уларнинг ҳисобварақларида зарур пул маблағлари мавжудлигини текширадилар. Тақдим этилган ҳужжатлар бир ҳафта ичида ваколатли банкларнинг экспертлари томонидан кўриб чиқилад.

15. Ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан экспертлар тузган хулоса ваколатли банк раҳбари томонидан тасдиқланганидан сўнг Республика пул-кредит сиёсати комиссияси кўриб чиқиши учун юборилади. Комиссия ушбу корхонага имтиёзли конвертациялаш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин корхона тегишли рўйхатга қўшилади ва унга валюта биржаси савдоларида ўз маблағларини айирбошлашга рухсат этилади.

16. Юридик ва жисмоний шахсларни валюта биржасига киритиш тўғрисидаги қарорни Республика пул-кредит сиёсати комиссияси ваколатли банклар экспертлари тузган хулосалари асосида қабул қилади.

Комиссия ваколатли банклардан тушган буюртманомаларни қондириш тўғрисидаги масалаларни валюта биржасидаги чет эл валютасига бўлган тақлиф доирасида ҳал этади ва ажратилаётган маблағлардан ўринли фойдалани-

шини назорат қилади.

17. Республика пул-кредит сиёсати комиссияси ажратилган мақсадли кредитларни айирбошлаш учун корхоналарга валюта биржаси савдосида қатнашишга рухсат бериш тўғрисида бир марта қарор қабул қилади.

18. Чет элдан машина-ускуналар, технологиялар, комплектловчи ашёлар ва хом-ашё сотиб олиш кўзда тутилган валюта сарфланса ўзини оқлайдиган лойиҳаларни амалга ошириш учун корхоналарга миллий валютада кредитлар бериш мақсадида ваколатли банклар чет эл валютасини валюта биржасида сотишга ҳақли. Сотилган чет эл валютаси корхоналарга эркин айирбошланадиган валютада олган кредит захираларини кейинчалик айирбошлашлари учун манба бўлиб хизмат қилади.

Валюта биржасида битимлар тузиш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

19. Савдо бошланганидан олдин дилерлар валюта биржасига чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш учун дастлабки буюртманомалар берадилар.

Савдо иштирокчилари савдо бошлангунига қадар операциялар ўтказиш учун етарли миқдордаги сўм маблағлари валюта биржасининг махсус ҳисобварағига қўйилишини таъминлашлари шарт.

20. Савдо тутаганидан сўнг, унда тузилган битимлар валюта биржасининг тегишли ҳужжатлари билан расмийлаштирилади. Шу ҳужжатлар асосида савдо иштирокчилари билан ҳисоб-китоб қилинади.

21. Савдода сотиб олинган чет эл валютаси учун сўмда ҳисоб-китоб қилиш савдо ўтказилганидан кейинги иш куни мобайнида валюта харидорлари бўлган ваколатли банклар олдиндан махсус ҳисобвараққа қўйган маблағлар валюта биржаси томонидан валютани сотган ваколатли банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига ўтказилиши йўли билан амалга оширилади.

22. Чет эл валютасидаги ҳисоб-китоблар савдо ўтган санадан кейинги икки иш кунидан кечиктирмай, валюта сотган ваколатли банкларнинг вакиллик ҳисобварақларидан маблағларни валюта харид қилган ваколатли банкларнинг вакиллик ҳисобварақларига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

23. Савдо иштирокчилари маблағлар ўз вақтида ўтказилиши учун жавоб берадилар.

Валюта маблағларидан кўзланган мақсадларда фойдаланилиши устидан назоратни таъминлаш

24. Корхоналар раҳбарлари айирбошлаш учун тақдим этилган маблағлар ҳажми тўғри белгиланиши, валюта биржасида сотиб олинган чет эл валютасидаги маблағлардан ўз вақтида ва ўринли фойдаланилиши учун шахсан жавоб берадилар.

25. Банкдан пул жўнатилаётганда, агар чет эл вакил банкининг муқобил кафолати бўлса, чет эллик шерикларга бериладиган бўнак тўловлари битим қийматининг 15 фоизидан ошмаслиги ёки 2-иловадаги чизмада кўрсатилганидек, ҳужжатли аккредитивлар шаклида ҳисоб-китоб қилиниши лозим.

26. Сотиб олиниб, 60 кун мобайнида кўзланган мақсадларда фойдаланилмаган чет эл валютаси корхоналар

томонидан ҳеч қандай истисносиз ваколатли банклар орқали валюта биржасида қайтадан сотилиши шарт.

27. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг бўлинмалари алмаштирилиши керак бўлган суммалар тўғри белгиланганлигини ушбу Тартибга мувофиқ текширади.

Банклар маблағлар ортиқча алмаштирилгани аниқланган ҳолларда ортиқча айирбошланган чет эл валютаси солиқ таъкилотларининг фармойишига биноан корхоналарнинг жорий валюта ҳисобварақларидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта жамғармасига қўшиб юборилади.

28. Ваколатли банклар корхоналар сотиб олган чет эл валютасидан ўз вақтида ва ўринли фойдаланишини назорат қилиб боради.

Корхоналар белгиланган муддатда фойдаланилмаган чет эл валютасини сотиш учун буюртманомга бермаган тақдирда ваколатли банклар бу суммаларни махсус муҳосара ҳисобваранига киритадилар.

Фойдаланилмаган чет эл валютаси махсус муҳосара ҳисобварағида турган ҳар бир кун учун корхона 0,5 фоиз жарима тўлайди. Бунда тушган маблағнинг 50 фоизи уларнинг жорий валюта ҳисобварақларидан валюта биржасининг валюта ҳисобваранига, қолган 50 фоизи эса ваколатли банкка ўтказилади.

Корхонанинг жорий валюта ҳисобварағида маблағи бўлмаган тақдирда пеняси унинг ҳисоб-китоб варағидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг шу санадаги курси бўйича сўмда ундириб олинади.

(ваколатли банк номи)

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИНИ СОТИБ ОЛИШГА БУЮРТМАНОМА

Корхона номи _____
 Почта _____
 Манзил _____
 Телеграф манзили _____
 Телекс _____
 Битимга доир масалаларни ҳал этиш ваколати берилган ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми _____
 Телефон N _____ Корхона ҳисоб-китоб варағи N _____
 _____ да очилган, ФО N _____

(банк номи)

валюта ҳисобварағи N _____ да

(банк номи)

Сотиб олинаётган валюта қандай мақсадда ишлатилиши (керагининг тагига чизилсин):

- а) таъсис ҳужжатларига мувофиқ фойданинг бир қисмини чет эллик инвесторга ўтказиш;
 б) сотиб олинган қимматли қорозлар бўйича дивидендлар ўтказиш;
 в) қонуний асосда олинган бошқа даромадлар (қандай даромадлиги кўрсатилсин):

Қуйидаги шартларда бизнинг номимиздан ва бизнинг ҳисобимиздан чет эл валютасида маблағ сотиб олиш юзасидан битим тузишни топширамыз:

Харид суммаси (АҚШ долларида)	Хариднинг сўмдаги энг юқори курси	Сўмдаги хариднинг курс бўйича жами суммаси
1	2	3

Буюртманома _____ гача амал қилади.

(йил, ой, кун)

Буюртманомада кўрсатилган курс бўйича сўмлар суммаси ваколатли банкнинг N _____ - ҳисобварағида муҳосара қилинган.

Битим тузилган тақдирда сотиб олинган валютанинг сўмдаги эквивалентини харид курсида ва воситачилик ҳақини
 - ваколатли банк фойдасига тузилган битим суммасининг _____ фоизи миқдорида;
 - ЎзРВБ фойдасига тузилган битим суммасининг _____ фоизи миқдорида бизнинг ҳисобварағимиздан олишингизни
 сўраймиз.

Қуйидаги ҳужжатлар илова қилинмоқда:

1. _____
2. _____
3. _____

Корхона раҳбари

М.Ў.

(имзо)


Бош бухгалтер

(имзо)

“ _____ ” _____ 199__ й.


Халқаро ҳисоб-китоблар шаклларида фойдаланиш схемаси

БАНК ЖЎНАТМАСИ



1. Чет эл вакил банки тўловнинг 15 фоизи учун кафолат беради.
2. Ўзбекистонлик импорт қилувчи ваколатли банк орқали бўнақ тўловининг 15 фоизини чет эллик шерикка жўнатади.
3. Чет эллик шерик юкни ўзбекистонлик шерик номига юборади.
4. Юкни олганидан сўнг ўзбекистонлик импорт қилувчи ваколатли банк орқали тўловнинг қолган 85 фоизини чет эллик шерикка жўнатади.

Ҳужжатли аккредитив



1. Ваколатли банк ўзбекистонлик импорт қилувчининг аризасига кўра чет эл вакил банкида аккредитив очади.
2. Ваколатли банк ўзбекистонлик импорт қилувчининг маблағларидан аккредитивнинг зарур суммасини махсус ҳисобварақда банд қилиб қўяди.
3. Чет эллик шерик юкни ўзбекистонлик импорт қилувчи номига жўнатади ҳамда тасдиқловчи ҳужжатлар (тўловнома-фактура, товар жўнатиш ҳужжатлари)ни чет эл вакил банкита тақдим этади.
4. Чет эл вакил банки ҳужжатларни текширганидан кейин ваколатли банкка юборади, у эса ўзбекистонлик импорт қилувчига хабар беради.
5. Ваколатли банк тегиншли суммани илгари банд қилинган маблағлар ҳисобидан вакил банкка чет эллик экспорт қилувчи номига ўтказиши ва бу ҳақда ўзбекистонлик импорт қилувчига хабар беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
1995 йил 27 июндаги
VII-1193-сонли Фармониغا илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги пул-кредит сиёсати комиссиясининг таркиби

Б.С. Ҳамидов - Ўзбекистон Республикаси
Бош Вазирининг ўринбосари,
молия Вазир, комиссия раиси
Ф.М. Муллажонов - Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
раиси, комиссия раисининг
ўринбосари
М.З. Усмонов - Ўзбекистон Республикаси Бош
Вазирининг ўринбосари, комиссия
раисининг ўринбосари

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

С.Ҳ. Абдурахимов - "Ўзбекинвест" миллий суғурта
компаниясининг бош директори
Р.С. Азимов - Ташқи иқтисодий фаолият мил-
лий банки бошқарувининг раиси
А.А. Одилов - ташқи иқтисодий алоқалар вазир-
ининг ўринбосари
У.Ҳ. Алимўллаев - "Ўзсавдогарбанк" бошқаруви ра-
иси
Ш.Қ. Гатаулин - Давлат солиқ қўмитасининг ра-
иси
В.А. Голишев - "Ўзистикболстат" давлат қўмита-
си раисининг биринчи ўринбосари

Т.М. Гуськова - молия Вазирининг биринчи
ўринбосари
А.И. Иботов - "Ўзсаноатқурилишбанк" бошқар-
увининг раиси
Р.К. Каримов - Вазирлар Маҳкамаси Умумий
иқтисод бўлимининг мудир
Б. Мустафоев - Ўзбекистон Республикасининг
Бош прокурори
А.М. Мардиев - Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазир
Н.Ф. Муҳиддинов - "Ўзжамғармабанк" бошқаруви-
нинг раиси
М.Б. Нурмуродов - Марказий банк бошқаруви ра-
исининг ўринбосари
Д.Б. Сайфиддинов - "Ўздеҳқонсаноатбанк" бошқаруви-
нинг раиси
А.Э. Шайхон - Вазирлар Маҳкамасининг депар-
тамент бошлиғи
А.Ю. Юсупов - "Ўзталбиркорбанк" бошқаруви-
нинг раиси

BUSINESS COMMUNICATION



Мухтарам жаноблар!

"Бизнес-каталог" матбаа компанияси тадбиркорлар учун маълумот берувчи адабиётлар чиқаришга ихтисослашган. Шу куннинг ўзидаёқ Сиз "Бизнес-каталог"нинг уч жилдини сотиб олишингиз мумкин.

Уларда Ўзбекистон Республикасидаги мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб корхоналар тўғрисида батафсил маълумотлар, шу жумладан уларнинг манзили, телефонлари ва фаолият турлари кўрсатилган. Каталогнинг махсус бўлимларида Сиз билан ҳамкорлик қилишга тайёр турган чет эл фирмалари ҳақида маълумот олишингиз мумкин.

Биз Сизга "Сервис-каталог" ноёб билдиргичини ҳам таклиф қилишимиз мумкин. Бу нашр Сизга сервис хизмати билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ҳал этишда вақтингизни тежаш имконини беради. Унда Сиз Тошкент шаҳридаги хизмат кўрсатиш соҳасида иш олиб бораётган барча корхоналар тўғрисида муфассал маълумотларни топасиз.

Бизнинг билдиргичларимиз - ўз вақти ва пулини тежайдиганлар учун!

Корхонангиз рекламаси "Бизнес-каталог" компаниясининг энг обрўли нашрларида чиқарилиши муносиб ҳамкорлар топишингизда ҳамда ўзингизни Ўзбекистон Республикасидагина эмас, айти пайтда ундан анча узоқдагиларга ҳам таништиришингизда ёрдам беради.

СИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА МУШТОҚМИЗ!

Батафсил маълумотларни қуйидаги
телефонлар орқали олишингиз мумкин:

33-39-05, 33-19-75,
36-58-66, 36-53-03

Манзилимиз:

Буюк Турон кўчаси, 41-уй

"ВИРТЕХ"

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Тошкент шаҳридан қуйидаги буюмларни
пул ўтказиш йўли билан сотади

ШАХСИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР

286/ 20/1/170/5,25/ SVGA

286/7/20/1/170/5,25+3,5/ SVGA

386 SX/7/25/1/210/5,25+3,5/ SVGA

386 DX/7/40/4/250/5,25+3,5/ SVGA

486 SX/40/4/250/5,25+3,5/ SVGA

ПРИНТЕРЛАР

PANASONIC KX P1180 (энсиз)

STAR NX-1500 (кенг)

HP LAZER JET 4L (лазерли)

EPSON FX-1000 (кенг)

НУСХА КЎЧИРИШ ТЕХНИКАСИ

PITNEY BOWES L315-A3

(масш) 110V ксерокси

CANON A30 катрижи

RICHO-M100 тонери

ТАШКИЛИЙ ТЕХНИКА

CITIZEN SDC 888 калькулятори

PANASONIC KX-T2365 телефони

PANASONIC KX-F50B факси

PANASONIC KX-F230BX факси

Иссиққа чидамли қоғоз (факс учун)

МСК 2 пул санаш машинаси

REXEL CB400 муқовалаш машинаси

IBICO PL 260 LSI ламинация машинаси

SHARP касса аппарати

Телефонлар:

39-47-55, 39-47-60

Факс: 39-17-76